ИЮЛДА ХАР ТУП ҒЎЗАДА 7-8 ТАДАН КЎСАК БЎЛИШИГА ЭРИШАЙЛИК

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 134 (3362).

10 ИЮЛЬ ЯКШАНБА 1966 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИНИНГ КЕНГАШИДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида қатнашган Совет делегацияси 8 июлда Бухарестдан Москвага қайтиб келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари К. В. Русаковлар бор эди.

Внуково аэродромида делегацияни А. П. Кириленко, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев ва бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

(ТАСС).

БРИТАНИЯ САНОАТ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

Москвада 8 июлда Британия саноат виставкаси очилди. Виставка «Сокольники» маданият ва истироҳат боғи территориясида жойлашган.

Виставкани очиш маросимида А. П. Кириленко, А. Н. Шелепин, Д. Ф. Устинов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари М. А. Искандеров, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари В. Э. Димшиц, В. А. Кириллин, В. Н. Новиков, Н. Т. Новиков, Л. В. Смирнов, СССР министрлари ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Англия томонидан Буюк Британия савдо министри Дуглас Жей, Буюк Британиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси сэр Жефри Харрисон бор эди. (ТАСС).

Шу кунлардаги вазифа:

Культивация обитобида ўтказилсин.

ДАЛАДА ВИРОНТА ҲАМ БЕГОНА ЎТ ЁКИ ҲАШАРОТ БЎЛМАСИН.

Ғўзалар сувга қонсин.


Чеканкани ўз вақтида ўтказайлик.

Ишнинг сифатига қараб ҳақ тўлансин.

ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИНИ БАРВАҚТ ҲОЗИРЛАБ ҚЎЯЙЛИК.

Ҳамма ерда мустаҳкам интизом бўлсин.

ҲАР ТУП ҒЎЗА ЭЪТИБОРИМИЗДА БЎЛСИН



Ҳакимполвон ҚОДИРОВ,

Бўка районидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

● ● ●

Бу йилги табиий шароит деҳқонлар учун оғир бўлди. Ўз вақтида экилган чигит ер намига ундириб олинган бўлса ҳам ғўзаларимиз кун исиб кетмаганидан узоқ вақт ривожланмай, шира босиб ётди. Далаларда хавфли аҳвол юз берди. Лекин азамат пахтакорларимиз қараб турмадилар. Қўлларидан келган ҳамма тадбирларни амалга оширдилар. Газеталарда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, «Северний маяк», «Интернационал», «Ленин йўли» ва бошқа бир қатор колхоз, совхозларнинг ғўзани парвариш қилишга қаратилган амалий тадбирлари босилиб чиқди. Ундан кейин Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида область пахтакорларининг маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. Унда зарур тадбирлар белгиланди. Деҳқонларимиз ана шу тадбирларни амалга оширганликлари натижасида даладаги ғўзалар бирмунча яхшиланиб, нормал ҳолга келабошлади.

Баъзи олимларимиз Тошкент область хўжаликларида ғўзалар ривожланишда ўтган йилгига нисбатан 10—15 кун илгарилаб кетди, деб айтмоқдалар. Биз бунга қўшилмаймиз. Даладаги ҳақиқий аҳволни кўриб билмаган кишигина шундай дейиши мумкин. Шу муносабат билан мен ўзимнинг баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Ўтган йили бизнинг бригадамизда айни пайтда яъни биринчи сувдан кейин ҳар туп ғўзада беш олтитадан кўсак пайдо бўлган эди. Ҳозир эса бир-иккитаданга тўғри келади. Лекин ғўзанинг бўйи ўтган йилгидан қолишмайди. Ғўзанинг ривожланиши, орқада қолишини унинг бўйига қараб эмас, ҳосил тугишига қараб баҳолаш керак. Ҳасандароз ғўза эмас, сермева ўсимликкина деҳқоннинг қандай ишлаётганлиги, айни пайтда нималарга эътибор бериши зарурлигини кўрсатиб туради.

Сирдарёлик мусобақадошларимизнинг текшириш якунлари областимизда ҳали кўпгина ердаги ғўзаларда ҳосил тугиш кўнгилдагидек эмаслигини, кўпгина майдонларда эса ғўзалар ёш, қўшимча парваришга муҳтож эканлигини, уни июль, август ойларида тинмай парвариш қилиш зарурлигини кўрсатди. Дарҳақиқат, катта-катта майдонлардаги ғўзаларимиз ҳали бирмунча ёш, ҳосил тугиши бизни қаноатлантирмайди. Бунга бу йилги табиий аҳвол—баҳорда ҳавонинг паст келиши, кун вақтида исиб кетмай, ўсимликни шира босишидан ташқари, менинг фикримча қишда ерни музлаб яхши нам олмаганлиги ҳам сабаб бўлди. Ер етилмаса, ўсимлик ҳам етилмайди. Ер пишмаса пахта ҳам пишмайди. Хом ер — хом кўсак, дейди деҳқонларимиз.

Биз, деҳқонларнинг фикрича кўпгина майдонларда ғўза ўтган йилдаги шу вақт даражасида иссиқликни ололгани йўқ. Иссиқ бўлмаса ер ҳам пишмайди, пахта ҳам. Шунинг учун чиройли бўлиб кўринган ғўзаларимизда ҳали ҳосил кам.

Ҳозир ёз чилласи. Қиш чилласининг хатосини ёз чилласида тузатиб оладиган, ерни пишитиб олишга ҳаракат қиладиган пайт. Бу пайтни қўлдан бой бериш энг катта хато бўлади. Ҳосилни кўпайтираман, уни эрта етилтираман, деган деҳқон ерни пишитиши керак. Ерни пишитиш учун обн-тобига келтириб чуқур культивация қилиш, тупроқни офтобда қизитиш лозим. Культивация қилдик деб ернинг бетини наридан-бери тирнаб кета бериш ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Ерни алдаб бўлмайди. Ерни алдайман деган одам ўзини алдайди. Ер сахийга сахий, бахилга бахил. Ер тобига келмаса, безрайиб тураверади. Уни пишитиш учун астойдил меҳнат қилиш лозим.

Ҳозир ғўзаларимизнинг ҳосил тугиши бизни қаноатлантирмаяпти, бу жиҳатдан ўтган йилгидан орқада қоляпмиз, дедим. Хўш, буни қандай қилиб тузатиб олиш, нималар қилиш лозим. Деҳқончиликда энг катта ҳикмат ҳар бир ишни об-ҳаво, ер шароитини ҳисобга олиб ўз вақтида бажаришдан иборат. Темирни қизиғида уриш керак.

Ғўзанинг ривожидаги кечикишни июль ойида тугатиш учун гектарнигина эмас, ҳар бир туп ғўзани кўздан кечириб туриш керак.

Айни пайтда ҳосилни кўпайтиришга ёрдам берадиган муҳим омиллардан бири — ғўза чеканкаси ва ғўза тагидаги кўзга кўринмай турган майда ўтларни йўқотишдан иборат. Ғўзаларимиз чеканкага яқинлашиб қолди. Лекин бу ишда хатога йўл қўйилса, кейин тузатиб олиш қийин бўлади. Ҳар бир хўжаликда чеканкани албатта сувдан олдин ўтказиш кераклигини шарт қилиб қўйиш зарур. Чунки чеканкадан кейин сув қўйилса, ўқ томирдан келган сув ва озиқ тепага кўтарилмай, ғўзанинг ҳамма шохларига тарқалиб, ҳосилнинг ошишига ёрдам беради. Сувдан кейин чеканка қилинса унинг фойдаси кам тегади, ҳосилга ёрдам берадиган куч бекорга сарфланиб кетган бўлади. Айниқса бу йилги шароитда чеканкани сувдан кейин ўтказишга катта аҳамият бериш керак.

Июль ойида бериладиган озуқаларни ернинг намига солиб эгатни чуқур очиб қўйиш керак. Бунда тупроқ қизиб ғўзанинг танази ердаги иссиқликни кўп олади, ҳосилни тез етилтиради.

Бегона ўтни йўқотиш фақат ҳосил тўплаш учунгина эмас, ҳосилни машина билан териб олиш учун ҳам жуда зарур. Деҳқон етиштирган ҳосилини машина билан тезроқ териб олишга ҳаракат қилмоқда. Ёввойи ўт билан курашган киши машиналарга ҳам кенг йўл очган бўлади. Ўтган йили бизнинг бригадада йиллик пахта тайёрлаш плани 12 иш кунида бажарилди. Чунки ҳосилни эрта етиштирдик. Машина теримига алоҳида эътибор бердик. Азамат механизаторларимиз ҳар куни 4—5 тоннадан пахта териб, кунига 5—6 процент ва ундан ҳам кўпроқ пахта тайёрлашимизга ёрдам бердилар. Биз бу йил машина теримига янада зўр берамиз ва йиллик планни ўтган йилгидек қисқа муддатларда бажарамиз.

Хуллас, деҳқончиликда ҳали иш кўп. Шунинг учун мен пахтанинг иши ҳам, ейдиган тиши ҳам кўп деб юраман. Айниқса бу йилги шароитда қиладиган ишимиз ҳали ошиб-тошиб ётипти. Ғўзамизнинг бўйига қараб эмас, ҳосилга қараб меҳнат қилишимиз, ишни бўшаштирмаслигимиз, жадал ҳаракат қилишимиз лозим. Июль, август мўл ҳосил учун курашда ҳал қилувчи ойлар. Ҳар туп ғўза эътиборимизда бўлсин. Унинг сувидан, озиғидан, ривожланиши ва ҳосил тўплашидан кечаю-кундуз хабардор бўлайлик. Ғўзамизни ҳаддан ташқари тўйдириб ҳам юбормайлик, бунинг аксича, чанқатиб, оч ҳам қолдирмайлик. У сизнинг ва бизнинг қалб меҳримизга тўйсин. Пахтамиз фахримиз, бахтимиз, деймиз. Шундай экан уни меҳр билан парвариш қилайлик. Ҳозир ҳар бир куни ғанимат. Шу кеча-кундузда ғайрат ва матонат билан ишлаб, шонага-шона, гулга-гул, кўсакка-кўсак қўшсак, то августгача яна 7—8 тадан бўлиқ кўсакка эришсак, кузга бориб хирмонимиз баракали бўлади. Буни унутмаслик керак.

КООПЕРАТОРЛАР СЪЕЗДИ

Республика матлубот кооперациясининг вакиллари қишлоқларда савдо-сотиқни янада яхшилаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилмоқ учун 8 июлда Тошкентга — ўзларининг XII съездига келишди. «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси Н. И. Супотницкий ҳисобот доклади қилди.

Ҳисобот даврида қишлоқ аҳолисига 910 миллион сўмлик ёки бундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан 48,4 процент кўп мол сотилди. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ интеллигенцияси юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ сотиб ола бошладилар. Саноат моларини сотиш суръатлари кескин суратда ўсганлиги ҳам совет кишиларининг моддий фаровонлиги тўхтовсиз юксалиб бораётганлигини ёрқин исбот қилади. Маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмларини сотиш бу жиҳатдан жуда ибратлидир. Шу давр ичида қишлоқ аҳолиси радиоприёмник ва телевизорларни шундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан 86 процент, велосипед ва мотоцикларни 79 процент, рўзғор холодильникларини 2,5 баравар, кир ювиш машиналарини 3,2 баравар кўпроқ сотиб олди.

Аммо шундай бўлса ҳам товар оборотининг ўсиши бир меёрда бормайди. Ўтган йили товар оборот плани умуман ошириб бажарилгани ҳолда, магазинлар ва дўконларнинг қарийб учдан бир қисми бу планни бажармади. Савдо шохобчаларида аҳолига энг зарур моллар топилмаётганлигини кўрсатадиган мисоллар ҳали кўп.

Республика матлубот кооперацияси ҳозирги вақтда қишлоқ аҳолисининг саноат моллари ва озиқ-овқат, маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун барча имкониятларга эгадир. Кейинги тўрт йил ичида Ўзбекистон қишлоқларида янгидан 1.086 та янги магазин очилди. Ҳозирги кунда республика кооператив ташкилотларида 4.000дан ортиқ ихтисослаштирилган магазин, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 900 га яқин магазин ва мол нусхаларини кўрсатиб очиқ сотадиган 12 мингдан ортиқ магазин бор. Янги беш йилликда «Ўзбекбирлашув»нинг савдо шохобчалари қаторига яна 2.710 магазин қўшилади.

Съездда сўзга чиққан ўртоқлар «Ўзбекбирлашув» правлениесининг ишини қаттиқ танқид қилдилар. Бир қанча область ва районларда савдо-сотиқни ташкил этиш, товар оборотини планлаштириш ҳали ҳам паст даражада олиб борилмоқда, савдо шохобчаларини ривожлантириш масалалари суст ҳал этилмоқда, айрим жойларда моллар етишмаётгани ҳолда нормативдан ортиқ кўп мол запаслари вужудга келтирилмоқда. Баъзи область ва район матлубот союзлари ҳамда жамиятларида аҳолига нормал савдо-сотиқ хизматининг уюштирилишига ҳалақит бераётган ходимларга нисбатан масъулиятсизлик ва муросачилик билан қараш каби ярамас ҳоллар учраб туради.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

Съездининг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахоновлар ҳам қатнашдилар. (ЎзТАГ).

БОЛГАР ЁЗУВЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига атаб жаҳонда биринчи социалистик давлат тўғрисида китоб тайёрлаётган болгар ёзувчилари Христо Траянов, Рангел Игнатов ва Слав Караславовлар Ўзбекистонда бўлишди.

Қардош Болгариядан келган меҳмонлар Самарқанд ва Бухорога бориб келишгач, икки кун давомида республика пойтахтининг қаёти билан танишдилар.

Болгар ёзувчиларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

„КОСМОС-123“

ТАСС АХБОРОТИ

1966 йил 8 июлда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-123» учирилди.


Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди: бошланғич айланиш даври—92,2 минут, ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейда) — 529 километр; ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейида) — 263 километр; Орбитанинг оғиши — 48,8 градус.

Йўлдош ичида илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема: приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш — ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

КЎСАКЛАРНИ КЎПАЙТИРАМИЗ



Юқори Чирчиқ районидаги Эм Де Юр бошлиқ участкасида машъал «Политотдел» колхозининг пахтакорлари ғўза зараркунандаларига қарши курашишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу иш колхознинг айниқса ўртоқ намунали ташкил этяпти. Суратда: механизатор калига химиявий дорворлар еп моқда.

Далаларни айланаман. Кундан-кунга ғўзаларимизда кўсаклар кўпаяётганини кўриб қувонаман. Ҳар бири ёнғоқдек. Лекин бу билан биз кибрланиб кетмаймиз. Кўсаклар сонини кўпайтириш йўлида янада ғайрат кўрсатиб ишлаймиз.

Колхозчиларимиз социалистик мусобақани кучайтириб, шу кеча-кундуздаги барча ишларни Янгиюл районидаги «Интернационал», Урта Чирчиқдаги «Северний маяк» ва Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозларн белгилаган тадбирлар асосида олиб борилишига эришмоқдалар. Агротехника муддатларида ғўзаларга ўғит берилди. Экиннинг талабига қараб суғоряпмиз. Культивация чуқур ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳосил шохлари кўпайиб бораётир. Яқин кунлар ичида ғўза шохлари 13—14 тага етиб қолади. Ҳозир ҳар бир туп ўсимликда 30—35 тагача шонани, 7—8 тадан гулни санаш мумкин. Ғўзаларни чеканка қилишни бошлаб юборамиз. Бу эса ўсимликни говлатиб юбормайди, ҳар бир тупда бўлуқ кўсакларни кўпайтиришга хизмат қилади.

Мират Шарафиддинов, Ҳосил Биналиев, Турғунбой Умурзоқовга ўхшаган саккиз сувчимиз бор. Улар ғайрат қилиб кунига бир ярим-икки гектар ердаги ғўзани қондириб суғормоқдалар. Механизатор-звено бошлиқларимизнинг ишидан ҳам мамнунмиз. Улар қатор ораларига шу ойнинг ичида бир ярим марта ишлов бериш учун курашаётирлар.

Пахтакорларимиз июль ойини баракали якунлашга ҳаракат қилишяпти. Ҳар бир туп ғўзада бўлиқ ҳосил тўплаш иштиёқидалар.

Йўлдош МУСАЕВ,
Урта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози участка бошлиғи.

НОШУДЛАР ВА ҚЎНҒИЗЧА

Мурғаккина экин шабадада тебраниб турибди. Унга чивиндек келар-келмас қўнғизча учиб бормоқда. У ҳали помидор шохига қўнишга улгуролмай орқасидан тўрт киши ҳаллослаб чопиб келади. Бу пайт қўнғизчаси тушмагур помидорга қўнишга улгуради. Нимранг помидорни ёндан тешиб сувини сўра бошлайди.

— Ана, айтмовмидим бу қўнғиз ёмон деб, кўрдингизми, биз тўрт кишини писанд қилмай помидорни еди-қўйди,— деди тўладан келган, баланд бўйли киши кўзойнагини қўлига олиб,— тамом, мана энди актни ёзаверинг...

— Қанақа бўларкин, чивиндек қўнғизчага ҳам кучларингиз етмадими дейишса уятли бўлиб қолмасмикинмиз,— катта папка қўлтиқлаган киши шеригига ажабланиб қарайди.

— Э, қизиқ экансиз, актга тўрт киши нимзо чекканимиздан кейин биров бир нима дермиди...

Апил-тапил акт тузилади. У бир неча нусхада ёзилган бўлиб, бири у идорага, иккинчиси бу идорага жўнатилади. Бир нусхани колхозда олиб қолинади. Шундан кейин ҳо болалар боғчаси бўлсин, ҳоки касалхонадан бўлсин помидор сотиб оламиз деб келиниса, анаву акт кўндаланг қилинадиган бўлди. Актни узатишдан олдин помидор далаларимизга қўнғизча тушди, уни йўқотиш учун нималар қилиш ҳақида мутахассисларга мурожаат қилсак биз қўнғизчани йўқотолмаймиз, деб айтишадиган бўлди. Шунинг учун помидор ва бошқа сабзавот экинларини олишга келган ташкилотларга бояги акт кўндаланг қилиниверди.

Ажабо, ота-бобоси деҳқон, ўтган, ўзи деҳқончиликни сув қилиб ичиб юборган, деҳқончилик хусусида катта-катта илмий ишлар қилаётган олимлар макони областимиздаги кўпгина колхоз, совхозларда помидорларга тушаётган қўнғизчани йўқотишга кучимиз етмаса?! Бу аслида қўнгилдагидек иш қилмаётганлигимиз учун бир баҳона эмасмикан? Пойтахтимиз меҳнаткашларига сабзавот маҳсулотлари, мева-чевани мўл-кўл қилиб етказиб берамиз деб ваъда қилган эдикку. Айни ана шу экинлар маҳсулотига талаб кучайган ҳозирги пайтда нега ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб кўрсатамиз.

Шаҳар меҳнаткашларини сабзавот экинлари маҳсулоти билан, мева билан таъминлашни яхши йўлга қўйиш учун мутасадди ташкилотлар — область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область боғдорчилик, виночилик совхозлар трести раҳбарлари нега ўз вазифаларига шу куннинг талаби асосида қарамаётирлар. Помидорга аллақандай қўнғизча ҳужум қилган экан, нега уни қириб ташлаш учун зарур чора-тадбирлар ўз вақтида кўрилмади. Тайёрлов ва савдо ташкилотлари колхоз, совхозлардан шаҳарга сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш учун нега сидқидилдан ишламаётирлар. Қўлимиздаги маълумотларга қараганда колхоз ва совхозлар боғида, даласида мўл ҳосил пишиб етилмоқда. Область матлубот союзи раҳбарлари ана шу маҳсулотларни шаҳарга ўз вақтида ва мўл-кўл қилиб етказиб бериш юзасидан оператив чоралар кўрмаётирлар. Уларнинг ана шу бўшашувчиликларидан фойдаланиб айрим олиб сотарлар колхоз ва совхоз меваларини орқа йўлдан бошқа шаҳарларга олиб кетмоқдалар.

Меҳнаткашларни сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда асосий роль ўйнайдиган Оржоникидзе ва Калинин районларидаги қатор хўжаликларнинг раҳбарлари ўз вазифаларига яхши қарамаётирлар. Бу жиддий камчиликни тезда тугатиб шаҳар меҳнаткашларига етарли миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ишларини яхши йўлга қўяйлик.

Янги Тошкентни бунёд этиш учун шаҳримизда фидокорона ишлаётган қардош қурувчиларни сабзавот ва мева-чева билан таъминлашга алоҳида эътибор бераййлик!

Помидорга қўнғизча тушди, деб қўл қовуштириб ўтирмайлик. Айбдор қўнғизча эмас, шу қўнғизчани йўқ қилиб ташламаётган нўноқ раҳбарлар.

Шаҳар бозорлари ҳамма вақт деҳқонлар етиштираётган маҳсулотлар билан мўл-кўл бўлсин!



— Ушла қўнғизчани, ушла... Ҳали сенми, бизнинг сабзавотимизни кемираётган...

М. Воробейчиков чизган расм.



Комсомол аъзоси Тамила Тўрахонова Чирчиқдаги Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати металлургия цехининг илғор ишчиларидан. У смена нормаларини мунтазам ортиғи билан адо этади ва фақат сифатли маҳсулот беради. Суратда: ўртоқ Т. Тўрахонова ҳозиргина қўлдан чиққан детални кўздан кечирмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

АВТОМАТ ЎСИМЛИКЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛАДИ

Ўсимликлар тупроқсиз шароитда етиштирилганда илдизларга ўз вақтида озуқали эритма бериб туриш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Москвадаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши инженерлари институтида шу мақсад учун автомат яратилди.

Ҳозирги вақтда ишлатилаётган ана шундай приборлар ўсимликка орадан аниқ маълум вақт ўтгач ва ҳамиша бир хил миқдорда эритма бериб турар эди. Янги автоматда эритма бериш тезлиги теплицадаги ёруғлик даражасига боғлиқдир. Маълумки, кундузи теплица ичи эрталаб ёки кечқурундагига нисбатан ёруғроқ бўлади. Умуман айтганда теплицада ёруғлик куи бўйи бир хил даражада бўлмайди. Ўсимликларда модда almашинуви ёруғликка боғлиқдир. Шунинг учун уларнинг озуқага бўлган талаби турли вақтда турлича бўлади. Шундай қилиб, бунда эритма ўсимликларнинг эҳтиёжига мос равишда берилади. Айни вақтда илдизларнинг зарур даражадаги намлиги сақланиб туради.

Ўтган йили прибор Тимирязев номли қишлоқ хўжалик академиясида синовдан ўтказилди. Уни тупроқсиз шароитда плёнка остида помидор етиштиришда қўлланиш юқори ҳосил олишни таъминлади: бир квадрат метр майдонда теплицалардаги 9 килограмм ўрнига 20 килограмм помидор олинди.

ХИМИКЛАР — ЭНЕРГЕТИКЛАРГА

Энергетика ва химия... Халқ хўжалиги бу икки энг муҳим тармогининг бир-бири билан ҳамкорлиги йил сайин ортиб бормоқда. СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган «Химия ва энергетика» деган тематик кўрик шу ҳамкорликка бағишланган.

Электростанциялар ва иссиқлик тармоқлари трубаларининг ички деворларида ҳосил бўладиган қуйқумга қарши кураш энг муҳим проблема ҳисобланади. Сувдаги минерал тузлар қозон агрегатлари ва иссиқлик тармоқларида ўзига хос «артериосклероз» келтириб чиқариб ускунадан фойдаланишни ёмонлаштиради.

Бунга барҳам беришда электрохимия кишиларга ёрдамга келмоқда. Донбассдаги Курахов ГРЭСида сувни магнит майдонида ишлаб берадиган установкани қўлланиш қуйқим ҳосил бўлишининг олдини олади ва бир йилда қарийб 15 минг сўм тежаб қолиш имконини беради.

Мамлакатнинг кўпгина электростанцияларида ёқилғи сифатида таркибида олтингугуртли бирикмалар кўп бўлган мазутдан фойдаланилади. Мазутдан фойдаланиш натижасида қозон агрегатларида уни ишдан чиқарадиган коррозия пайдо бўлади. Нефтни қайта ишлаш илмий тадқиқот институти таклиф этган махсус присадкаларни қўлланиш эса коррозияни кескин камайтириш имконини беради.

Ф. Дзержинский номли Бутуниттифоқ иссиқлик техникаси институтида «Иввиоль» деган ўтга чидамли синтетик трубина мойи яратилди. Бу мой 750 дараҳа иссиқликда алангаланади. Вақоланки, оддий нефть мойи 370 даражаҳа температурада ёна бошлайди. «Иввиоль»нинг яна бир қимматли хусусияти шундаки, пайдо бўладиган аланга жуда тез ўчади. Бундай мойдан фойдаланиш электростанцияларда ўт тушиш хавфини йўқотади.

СЕРУНУМ МАШИНА

Қирғизистондаги Фрунзе номли «Сельмашзавод»да пичан ўнғиштириб берадиган кўпгина янги техника яратилди. Булар орасида Москвада ўтказилган халқаро қишлоқ хўжалик машиналари виставкасида олтин медаль билан тақдирланган янги пресс-подборщик бор. Бу машинанинг иш унуми аввалги ана шундай агрегатларга қараганда бир ярим-икки баравар юқоридир. Бундай агрегатда ишлаганда пичан кам нобуд бўлади.

ҚИШЛОҚ БИНОКОРЛАРИ УЧУН

Тажан водисида Туркманистонда энг йирик қурилиш материаллари комбинати қурила бошлади. Бу корхона қишлоқ ва ирригация қурилиши учун темир бетон ва силикальцит маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Комбинат бир йилда 360 минг куб метр қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Корхона келаси йили дастлабки маҳсулот бера бошлайди.

(ТАСС-ЎзТАГ).



Рая Бойбекова Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж корхоналари бирлашмасининг пешқадам ишчиси. У ҳамкасблари билан мусобақалашиб меҳнатда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритаяпти. Тайёрлаётган маҳсулотлари фақат аъло сифатлидир. Суратда: ўртоқ Р. Бойбекова иш устида.

А. Тўраев фотоси.

КОММУНИСТИК ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

КОММУНИСТИК партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ омманинг онгли тарихий ижодкорлиги роли тўхтовсиз ўсиб бориши тўғрисида гапирган эди. У Совет давлати омманинг онглилиги билан кучлидир, деб таълим берарди. Ленин илмий коммунизм асосчилари Маркс ва Энгельснинг жамият ҳаётида тарбиянинг роли тўғрисидаги ғояларини ижобий ривожлантирди ва конкретлаштирди. Буюк устоз назарияни практика билан гениал равишда қўшиб, ҳаётнинг янги фактлари ва воқеликларини умумлаштириб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни актив ижодий фаолиятга жалб этиш ва янги кишини тарбиялаш назариясини ҳартомонлама ва чуқур ишлаб чиқди.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида коммунизм моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш ва совет кишиларини коммунизм руҳида тарбиялаш учун курашда идеология иши актив восита хизматини ўтамоқда.

Ҳозирги вақтда партиямиз меҳнаткашлар оммасини юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, пролетар интернационализми ва социалистик ватанпарварлик руҳида, меҳнатга, ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ва кишилар дунёқарашидаги капитализм сарқитларини тугатишни, маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний камолотни ўзида мужассамлантирган инсон шахсини ҳар томонлама ва гармоник ривожлантиришни идеология ишининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобламоқда.

Коммунистик жамиятда ишлаб чиқаришнинг бутун жараёни, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонлари кишиларга онгли таъсир ўтказиш ва назоратга бўйсиндирилган бўлади. Коммунизмда ишлаб чиқаришдаги вазифаларни, ижтимоий бурчни, коммунистик турмушимиз қоидаларини ихтиёрий ва онгли равишда бажариш ҳар бир совет кишисининг ички эҳтиёжига айланади. Идеология иши, ғоявий-тарбиявий ишлар эса барча совет кишиларида ана шундай ҳислат ва сифатларни шакллантиришга даъват этилган.

Коммунистик партия меҳнаткашларни тарбиялашдаги амалий фаолиятида халқ оммасининг тарихий ижодкорлиги тўхтовсиз ўсиб боришлиги тўғрисидаги ленинча кўрсатмаларга амал қилади. КПСС Программасининг қуйидаги сатрлари ҳам шундан далолат беради: «Жамият аъзоларининг онглилиги қанча юқори бўлса, уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги, коммунистик меҳнат формаларини ва кишилар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришдаги ижодий активлиги шунча тўла ва кенг ривожланади ва бинобарин, коммунизм қурилиши вазифалари шунча тез ва муваффақиятли ҳал қилинади».

Коммунистик дунёқарашни шакллантириш вазифалари ва методлари КПСС Программасида, КПСС XXIII съезди қарорларида ўзининг мукаммал ифодасини топди.

Дунёқараш — бу табиат ва кишилик жамияти тўғрисидаги тушунчалар, тасаввурлар ва қарашлар системасидир. Дунёқарашлар прогрессив ва реакцион бўлади. Марксизм-ленинизм ҳозирги замоннинг изчил, илмий, энг илғор дунёқарашидир.

Маркса-ленинча дунёқараш табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг умумий қонунларини ифода этади, дунёни тушунишга тўғри ёндошиш йўлини кўрсатади. Яъни у дунёни ҳаётда қандай бўлса шундайлигича олиб кўради, воқеликни революцион қайта ўзгартиришнинг амалий йўлларини кўрсатиб беради. Илмий дунёқараш ҳаётнинг ҳамма соҳаларида совет кишилари амалий фаолияти учун ғоявий-сиёсий асосдир. Табиат ва жамият воқеликларига фалсафий қарашлар системасидан иборат бўлган дунёқарашни шакллантириш атрофимизни ўраб олган воқелик ва даставвал кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида рўй беради. Жамиятимизнинг бутун ҳаёти, ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликнинг мавжудлиги, биргаликдаги меҳнат, актив ижтимоий-сиёсий фаолият коммунистик эътиқоднинг ривожланишига кўмаклашади. Илғор илмий дунёқараш бўлган марксизм-ленинизм коммунистик ахлоқнинг назарий фундаментидир. Бу дунёқараш юксак ғоявийлик ва коммунистик онглиликнинг, совет кишилари самарали фаолиятининг асосидир.

Коммунистик партия, унинг машҳур арбоблари жамият тараққиётида илғор ғояларнинг жуда муҳим ва аҳамиятли эканлигига юқори баҳо бериб, ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни марксизм-ленинизмнинг ғолиб идеялари билан қуроллантиришга доимо катта эътибор бериб келганлар. Коммунистик дунёқараш, деб ёзган эди М. И. Калинин, бизга ҳар бир масалага ишнинг кўзини билиб ёндошиш, ҳар бир воқеликка тўғри ёндошиш имконини беради. Астроном учун улкан телескоп, лаборатория тадқиқотчиси учун микроскоп қанчалар зарур бўлса, пролетар революцияси курашчилари учун ҳам коммунистик дунёқараш шунчалар керакдир. Коммунистик дунёқараш сиёсатчига, жамоат ходимига ўзи ишлаётган шароитни тўғри, ҳар томонлама тушунишга, оммани ташкил этиш ва уни жангга бошлаб бориш, келажакдаги истиқболни тўғри кўриш, тушуниш ва белгилаб олиш имкониятини беради.

Коммунистик идеалнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган марксча-ленинча идеологиянинг чуқур маъносини ва революцион руҳини тушунган совет кишисигина юксак ахлоқли шахс сифатида актив фаолият кўрсатиши мумкин. Янги кишини ҳаётнинг ўзи, коммунистик жамият қурилиши практикаси шакллантиради. Айни замонда партиянинг тарбия ва идеология соҳасидаги фаолияти; халқ маорифи, сиёсий маориф системаси, маданий-оқартув муассасалари, ижтимоий фанлар, адабиёт ва санъат, матбуот, радио, телевидение ва бошқа оммавий пропаганда воситалари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Тошкент области партия ташкилотлари коммунизм қурилишини амалий вазифа қилиб қўйган партия XXII съездидан сўнг коммунистик онгликни ошириш, партия маорифи системаси орқали барча меҳнаткашларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга кўпроқ аҳамият берадиган бўлиб қолдилар. КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмасига мувофиқ, бутун мамлакатда бўлганидек, Тошкент областида ҳам коммунистлар, шунингдек партиясиз активлар партия тўқувининг ҳаётий ва энг муҳаммал системаси жорий қилинди. КПСС тарихи, марксистик философия ва сиёсий иқтисодни ўрганиш бўйича мактаблар ҳамда семинарларнинг сони бирмунча кўпайди.

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

Областдаги партия комитетлари сиёсий пропагандани оммавий формаларига раҳбарлик қилишни анча яхшиладилар. Меҳнаткашларда илмий дунёқарашни шакллантириш ишида маданият халқ университетлари, лекторийлар, коммунистик меҳнат мактаблари, назарий конференциялар, интернационал дўстлик кечалари каби формалардан фойдаланилмоқда.

Тарбиянинг хилма-хил форма ва методларидан фойдаланиш, коммунистик қурилишнинг ҳозирги шароитида бутун тарбиявий ишнинг ғоявий савияси ва таъсирчанлигини ошириш партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII съездига Ҳисобот докладида ҳам идеология иши — бутун партиянинг, барча коммунистларнинг иши деб, оммага ғоявий таъсир ўтказиш, сиёсий-тарбиявий ишларнинг юксак таъсирчан бўлиши партия аъзолари ва раҳбарларнинг шахсий намуна кучига бевосита боғлиқлиги, деб уқтирилди.

Раҳбарнинг коллектив билан, омма билан алоқада бўлиб туришининг формалари жуда кўп. Лекин бу формаларнинг ҳаммаси сиёсий онглилик ва меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялашга бўйсундирилгандир.

Совет кишиларини марксизм-ленинизм асосида ғоявий тарбиялаш, қандай лавозимда ишлашидан қатъий назар, ҳар бир раҳбар фаолиятининг зарур шартидир. Агар ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир совет кишиси партиянинг ўз программасида, КПСС XX—XXIII съездлари қарорларида баён қилинган мақсадларини қанчалар чуқур тушуниб олса, уларни амалга ошириш учун қатъият ва ғайрат билан киришса коммунизм қурилиши шунчалар тез олға босади.

Шу мақсадларни кўзда тутиб Тошкент областида лекция пропагандани кенг кўламда олиб борилаётир. Партия комитетларининг 500 дан ортиқ штатли ва штатсиз лекторлари ҳар йили меҳнаткашлар учун системали равишда лекция ва докладлар ўқиётганлиги, областда 30 мингга яқин пропагандист ва агитатор пропаганда-агитация ишлари билан машғул эканлиги бунинг ёрқин далилидир.

Бу ўринда партия XXIII съездидан сўнг областнинг кўпгина раҳбар кадрлари омма билан алоқани кенгайтираётганликларини, меҳнаткашлар билан тез-тез учрашиб, актив ғоявий-тарбиявий иш олиб бораётганликларини айтиб ўтиш лозим.

Коммунизм қурилиши манфаатлари партиянинг омма билан алоқаси борган сари кенг ва мустаҳкам бўлиб боришини талаб этади. Партиямиз коммунистлар, барча раҳбарлар олдига ана шу талабни қўймоқда. Партия ташкилотлари учун меҳнаткашлар орасида ишлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Фақат омма билан мустаҳкам алоқада бўлган, халқ билан жонли алоқа қила биладиган қимматли ленинча сифатларга эга бўлган раҳбаргина ҳурмат ва эътиборга лойиқдир. Бу ўринда В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи партия ташкилотининг иш тажрибаси ибратлидир.

Завод партия ташкилоти сиёсий-тарбиявий ишга корхона раҳбар ходимларини кенг жалб этиш юзасидан катта ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Заводда раҳбарларнинг ишчилар билан алоқасини мустаҳкамлашда турли формалардан фойдаланилаётир. Корхона инженер-техник ходимларининг кўпчилиги лектор, сиёсий докладчи, сиёсий ташкилотчи, агитатор ёки сиёсий мактаб ва семинарларнинг раҳбаридир.

Бу ерда мунтазам равишда лекция, доклад, суҳбат ва сиёсий информацияларни ўтказиб туриш одатга айланган. Уларнинг тематикаси мамлакат ҳаётининг муҳим воқеаларини, завод коллективи ишининг актуал масалаларини ўз ичига олади. Сиёсий информациялар темаси кўпинча завод директори ўртоқ Муҳамедов ҳузурида ўтказиладиган оператив кенгашларда белгилаб олинади. Директор ҳузуридаги кенгашда ишлаб чиқаришга оид масалалардан ташқари ғоявий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган турли масалалар коллектив бўлиб муҳокама қилинади, завод бўйича оммавий-сиёсий ишларни активлаштириш юзасидан конкрет таклиф ва маслаҳатлар берилади.

Заводда савол-жавоб кечалари ўтказиш жуда оммалашиб кетган. Ишчилар бундай кечаларга актив иштирок этиб, раҳбарлар олдига турли масалаларни қўндаланг қилиб қўядилар, танқидий мулоҳазаларни айтиб, таклифлар киритадилар.

Корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш коллективлари мажлисларида қатнашиб, ишчилар билан тез-тез учрашиб турадилар, аҳоли яшайдиган жойлар ва ётоқхоналарга бориб суҳбатлар ўтказадилар. Раҳбар кадрларнинг завод меҳнаткашлари билан яқиндан алоқа боғлаганликлари, саммий суҳбатлар сиёсий иш мазмунини бойитиб, унинг таъсирчанлигини оширмоқда.

Заводда сиёсий ташкилотчилар институти ташкил этилган. Институт рўйхатида завод раҳбар ходимлари, смена ва участкалар бошлиғи, мастерлар ва бошқа инженер-техник ходимлардан 40 кишининг номини ўқиш мумкин. Аҳоли бевосита яшаб турган жойда оммавий-сиёсий иш олиб боришда темирчилик-механика цехининг мастери Л. Скорнякова, прокат цехининг мастери С. Нуриддинов, смена бошлиғи Э. Валиев, техника хавфсизлиги бўлимининг бошлиғи Н. Г. Олейников, прокат цехининг мастери К. Қосимов ва бошқалар активлик кўрсатмоқдалар.

Агитация-пропаганда ишига раҳбар ходимларни, ишлаб чиқариш командирларини жалб қилишга Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Ленин район партия комитетлари, Янгиюл ва Чирчиқ шаҳар партия комитетлари ҳам кўп эътибор бермоқдалар.

Пропагандистлик фаолияти, ғоявий-тарбиявий ишда раҳбар ходимларнинг актив иштирок этиши жараёнида меҳнаткашларнинг турли табақалари билан жуда яқин, саммий ва мустаҳкам алоқа доимий равишда йўлга қўйилади. Бу раҳбарларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга, кишиларнинг кайфияти, қизиқишлари ва эҳтиёжларини яхши билиб олишга ва ўз вақтида зарур тадбирларни кўришга олиб келади.

Тошкент областининг кўпгина жойларида «ленинча жумаликлар», «лектор кунн», «лектор ҳафталиги» кабиларни ўтказиш яхши традицияга айланмоқда. Омма билан яқиндан алоқанинг бу формаси ўзига хос хусусиятга эга — у бевосита цех, бригада ва қурилиш объектларида, шунингдек клублар ва қизил бурчакларда, аҳоли бевосита яшаб турган жойлардаги агитпунктларда ўтказилади.

Раҳбар кадрларни, интеллигенция вакилларини агитация-пропаганда ишига актив жалб этиш айни замонда уларнинг ғоявий-назарий тайёргарлигини ҳар томонлама яхшилаш, тарбия ва ўқитишнинг барча форма ҳамда методларини такомиллаштиришни талаб этади.

Меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга партия раҳбарлигини кучайтириш, марксизм-ленинизм буюк ғояларини актив пропаганда қилиш ва тушунтириш, оммани КПСС XXIII съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш — коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичида партия ташкилотлари олдида турган марказий вазифадир.

М. ИСКАНДАРОВ.

ШАХТЁРЛАР КУНИ ШАРАФИГА

Кончилар байрами — шахтёрлар куни яқинлашиб келмоқда. Оҳангарон кўмир саноати корхоналарининг коллективлари бу айёмни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора қизитиб, зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб ишлашяпти.

Кўмир разрези кончилари бу хайрли ишнинг ташаббускорлари бўлиб чиқишди. Унга 9-шахта, кон устини очиш разрези, юк ортиш транспорт бошқармаси ва «Ўзбекуголь» комбинатининг бошқа корхоналари қўшилишди. Кўмир разрези коллективи зиммасига юксак мажбурият олди. Шахтёрлар ўз байрамларигача тўққиз ойлик ишлаб чиқариш планини бажариш ва қўшимча 100 минг тонна «қора олтин»ни истеъмолчиларга жўнатишга аҳд қилган. Бундан ташқари, товар маҳсулотини реализация қилиш ҳисобига пландагидан ташқари 580 минг сўмлик қўшимча фойда олиш, кўмир таннархини арзонлаштириш ҳисобига 53 минг сўмлик давлат маблағини тежашга қарор қилдилар Разрезнинг фидокор коллективи бу мажбуриятни муваффақиятли адо этмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ қўшимча 75 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Юзларча минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди.

9-шахта коллективи ҳам баракали меҳнат қилмоқда. Дастлабки ҳисобларга қараганда корхона шу йилнинг биринчи ярмида 110 минг сўмлик қўшимча фойда олган. Шахтёрлар бир неча минг тонна ортиқча кўмир қазиб чиқаришди. Ўз байрамларигача пландагига қўшимча олинган фойда миқдорини 35 минг сўмлик кўпайтириш, истеъмолчиларга ками билан ўн беш эшелон кўмир етказиб бериш юзасидан эл-юрт олдида берган сўзларининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Е. ГОДОВИКОВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МЕТАЛЛ

Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи Металлурглар кунини меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш билан кутиб олмоқда. Мартен цехининг пўлат эритувчилари янги беш йиллигининг биринчи йилидаёқ меҳнат унумдорлигини 2,4 процент ошириб, пландан ташқари минглаб тонна пўлат ишлаб чиқардилар.

Мастер Василий Зайцев бошчилик қилаётган 1-бригада мусобақада катта муваффақиятга эришди. Василий Зайцев корхонада салкам 20 йилдан буён ишлаб келмоқда. Ана шу бригаданинг пўлат эритувчилари топшириққа қўшимча 1210 тонна металл бердилар. Печларнинг унумдорлиги соатига ўртача 12,44 тоннага етказилди. Бу эса планда белгиланган топшириқдан анча юқоридир. Ҳар бир эритишнинг вақти 10 минутга қисқартирилди. Эритманинг 80 процента жадал усулда чиқарилди.

Пўлат эритувчи Сергей Зверев байрамга атаб пландан ташқари энг кўп миқдорда — 650 тонна металл эритди. Унинг ишдаги ўртоғи Маннон Мирзаматов заводда энг юқори кўрсаткичга эришди: У, бутун эритманинг 86 процентини жадал усулда етказиб берди

Мартен цехининг пўлат эритувчилари шаҳарни тиклаш ишларини олиб бориш учун тошкентликларга пландан ташқари беш минг тонна металл бериш мажбуриятини олдилар.

Завод прокатчилари металлурглар кунини машина-ускуналарнинг унумдорлигини ошириш билан кутиб олмоқдалар. Бу ерда мастер Анатолий Кучкин бригадаси пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришда биринчи ўринда бормоқда. Бу бригада топшириққа қўшимча суратда 1300 тоннадан кўпроқ прокат берди.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

РЕМОНТ БОШЛАНДИ

Калинин райони меҳнаткашларидан бир группаси редакцияга хат ёзиб, Собир Раҳимов номли сельпога қарашли 1-нонвойхона бир неча йилдан буён ремонт қилинмаётганлиги туфайли деворлари нураб кетганлигидан, дераза ойналари ярим-ёрти синиб тушиб, кўча чанглари нонвойхона ичида айланиб қолишидан шикоят қилишган. Шуниндек, нонвойхона учун зарур жиҳозлар етишмаслиги, ишчилар учун атайлаб қурилган душхоналар ҳам ишламай қолганлиги ҳақида ҳам ёзишган.

«Автомашиналар нон ташиш учун мослашмаганлигидан,— дейилади хатда,— харидорларга бориб етгунча нонининг сифати ҳам бузилиб қоляпти».

Бу хат текшириш ва чора кўриш учун Калинин район ижроия комитетига юборилди. Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Тожиев, куни кеча, шу хат юзасидан қуйидагиларни билдирди.

— Хат юзасидан текшириш ўтказилди. Фактлар асосан тасдиқланди. Нонининг эзидмаслигини кўзда тутиб, автомашиналарга тахта панжаралар ўрнатилди. Нонвойхона ичига ҳам шундай панжаралар қўйилди. Сельпо маъмурияти нонвойхонани жорий ремонт қилишга киришди. Душхоналар ҳам қайта тузатилиб, ишга туширилади.

Нонвойхона ўтган йили капитал ремонтдан чиқиши керак эди. Бунинг учун область матлубот жамияти пул ҳам ажратган, смета ҳужжатлари ҳам тайёрланган эди. Лекин нонвойхона ўрнашган жойлар бузиладиган бўлиб қолиб, ремонт тўхтатилган экан.

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛАМИЗ

Мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир. Районимиз маорифчилари, қалаверса жамоатчилик буни чуқур ҳис қилиб, мактабларни янги ўқув йилига ҳартомонлама тайёрлашга зўр уюшқоқлик билан киришдилар.

Районимиз партия активи ва ота-оналар жамоатчилиги шаҳардаги барча корхона, ташкилотлар коллективлари ва аҳолисига қарата «Мактабларни ўз вақтида очайлик» деб мурожаат қилдилар. Ана шу мурожаат қабул қилинганидан бери бир ойча вақт ўтди. Коровликларнинг бу ватанпарварлик ташаббуси жойларда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ваъдага вафо қилиш мардларнинг иши! Биз биринчи сентябрни ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш билан кутиб олишга сўз берган эканмиз, ваъдамизнинг устидан чиқамиз. Шу сабабли районимиз мактаблари педагогик коллективлари, ота-оналар жамоатчилиги янги ўқув йилига якдиллик билан киришдилар.

Ҳали олдимизда кўп ишлар турибди. Тошкентда юз берган зилзила туфайли 32 та умумий таълим мактаби қаттиқ шикастланди. Шуниндек, бир неча мактабгача ёшдаги болалар муассасаларн издан чиқди. Шу зарар туфайли 2 мингдан ортиқ бола мактабгача болалар муассасасига қатнамай қўйди.

Уларни қайта тиклаш ва сифатли ремонтдан чиқариш биздан катта ғайрат ва талабкорлик билан иш кўришни талаб этади. Ана шундай бир пайтда ота-оналар жамоатчилиги бизга ёрдам қўлини чўзди. Ота-оналардан иборат қурилиш ва ремонт бригадалари тузилди.

Шундай бригада 150-мактаб педагогик коллективига ҳам яқиндан ёрдам берди. Синф хоналар, устахоналар сифатли ремонтдан чиқарилди. Эндиликда эса бу мактаб районимизда биринчи бўлиб янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Ўртоқ А. Шукуров директорлик қилаётган мактаб педагогик коллективи ҳозир ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш билан машғул.

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашга кўпгина саноат ташкилотлари ҳам ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар. «Ўзбексельмаш» заводининг коллективи ҳар галдагидек бу йил ҳам ўз отаолигидаги икки мактабни тўла ремонтдан чиқариб бериш мажбуриятини олди. Шу билан бирга корхона кучи билан учта болалар муассасаси тўлатўкис ремонтдан чиқарилади. 100 ўринли янги болалар боғчаси қуришга ҳам киришилди. 105-мактаб (директори ўртоқ Р. Азимов) коллективи, айниқса завод ёрдамидан беҳад хурсанд. Завод кучи билан мактаб тўла ремонтдан чиқарилмоқда.

Ўқитувчилар ҳам фаол меҳнат қилмоқдалар. Улар қурилиш бригадасига уюшиб, синфхоналарни ва фан кабинетларини ремонт қилмоқдалар.

Мактаб педагогик коллективининг бу ибратли иши бошқаларга ҳам намуна бўляпти. Районимиздаги 174- мактабда ҳам ҳозир ишчанлик вазифа ҳукмрон. Ремонт ишларига мактабнинг илмий бўлим мудири М. Рашидов, ўқитувчилардан Қ. Сатторов, А. Аҳроров ва бошқалар фаол қатнашяптилар.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ БЎЛСИН


Бошқа мактаблар ҳам оталиқ ташкилотлари ёрдами билан биринчи сентябрга тахт қилиб қўйилади. Бунда «Компрессор» заводи, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Тошкент ГРЭСи, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва бошқа идоралар ҳам ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. «Главташкентстрой» бинокорлари эса, шикастланган 6 та мактаб ва 2 та болалар боғчасини шу йил 20 августга қадар ремонтдан чиқаришга сўз бердилар.

Районимиз мактаблари биринчи сентябрь арафасида янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилади. Ўқишлар зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилади.

А. КОМАРОВ.

Киров район халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари.

ДОНЕЦКЛИКЛАР УЧАСТКАСИДА



Украинанинг Донецк шаҳри биноқорлари шу кунларда пойтахтимизда катта қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Донецкликлар участкасида иш уч смена да ташкил этилган. Ҳозир дастлабки биноларга улар ғишт теришяпти. Суратда: қурилиш майдонларидан бири тасвирланган.

М. Нуриддинов фотоси.



ЛЕНИНГРАД — АНГАРСК — НАВОИЙ

Тошкентнинг шимоли-ғарбий чеккасида дастлабки уйлар пойдевори қўйила бошланди. Янги уй-жой массиви — Қорақамиш қурилишига қўл урилди.

Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг мухбири Е. Ефимовнинг илтимосига кўра ана шу воқеани шаҳримизда иш олиб бораётган қардош республикаларнинг архитекторлари шарҳлаб бердилар.

Биринчи сўз — Ўзбекистон пойтахти меҳмонларига.

— Аввало кварталнинг номи ҳақида икки оғиз сўз, — деди Ленинград лойиҳалаш институтининг группа раҳбари Михаил Белий. — Блокнотингизда «Ленинград» квартали деб ёзиб қўйгансиз. Бу ном ўз ифодасини тўла топмаган. Шунинг учун квартални «Ленинград — Ангарск — Навоий квартали» деб аталгани маъқул. Бунинг сабаби бор. Ленинградликлар пойтахтимизда катта қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Донецкликлар участкасида иш уч смена да ташкил этилган. Ҳозир дастлабки биноларга улар ғишт теришяпти. Суратда: қурилиш майдонларидан бири тасвирланган.

М. Нуриддинов фотоси.

Сибирнинг Ангарск шаҳрида ишлаб чиқарилаётир. Навоий шаҳридан келган биноқорлар эса уларни монтаж қилмоқдалар.

Энди бўлажак квартал бўйлаб бироз сайр қиламиз. Бу ерда ҳозирча фақат чуқур қилиб қазилган котлованларгина кўзга ташланади, холос. Машиналар пешма-пеш бетон келтириб турибди. Эндигина бошланган қурилиш келажагини кўз олдимизга келтирамиз. Саккизта беш қаватли уй! Ойна, мармар ва рангли цементдан тикланадиган ана шу уйлар боғ қўйнида бўлади.

— Боғ ҳақида гапиришга вақт эрта бўлса керак? — Мен суҳбатдошимнинг сўзини бўлдим. —Сиз айтаётган жой ҳозир қупқуруқ-ку.

— Айни гапирадиган вақт, кейин бу жой сиз айтганча қупқуруқ ҳам эмас, — жавоб беради архитектор. — Биз илгари экилган ҳар бир дарахтни сақлаб қолишга қарор қилдик. Агар уйларни қуришга дарахтлар ҳалақит берадиган бўлса, у ҳолда дарахтларни кўчат қилиб қазиб оламизда, кейин қайта ўтқазамиз. Кўчатзорлардан яна юзлаб кўпйиллик дарахтлар олиб келиб экилади. Саккиз гектарлик участканинг ярмидан ортиқроғи кўкаламзорлаштирилади, сув ҳавзаси, спорт иншоотлари, шийпонлар, гулхоналар, ўйин майдончалари қурилади. Шуларнинг ҳаммаси кишилар кўлига уч калитлари топшириладиган кунгача тахт бўлиши керак. Мақсадимиз уйлардан тортиб, болаларнинг арғимчоқларигача — ҳаммасини бир йўла ўз муддатида фойдаланишга топширишдир.

— Бу туҳфа қачон тайёр бўлади?

— Биринчи уйлар Октябрь байрамигача, қолганлари эса ноябрь ойи давомида фойдаланишга топширилади. Изғиринли кунлар келгунча тошкентликларга 640 квартира совға қилинади.

— Бунчалик тезкорликка қандай эришилмоқда?

— Маълумки, қурилиш лойиҳадан бошланади. Лойиҳа Станислав Целярицкий, Евгений Комаров, Владимир Куренний ва бошқа мутахассислар томонидан бир ой ичида тайёрланди. Бир ой вақт ичида илгари 21 минг квадрат метр уй-жой лойиҳасини ҳеч қачон ишлаб чиқмаган эдик. Шу билан бир вақтнинг ўзида Ленинград экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институтининг О. Стрельцов раҳбарлигидаги архитектор ва конструкторлар группаси Ангарскда ишлаб чиқарилаётган «1-335» серияли уй-жойлар типовой лойиҳасига тузатишлар киритишиб, Тошкент шароитига мослаштиришди.

Уйларнинг пойдевори кучлироқ қўйилади ҳамда йирик панелли бинолар бақувват темир-бетон каркаслар билан мустаҳкамланади ва ерости силкинишларига бардошлироқ бўлади. Уйларга соя-салқинли террасалар қўшилди. Шундай қилиб, илгари Сибирь ва бошқа совуқ иқлимли районларда қурилган уйлар янгича сифатга эга бўлиб қолди. Уй-лаймизки, Ўрта Осиё аҳолисига маъқул тушса керак.

Ангарскдаги заводда йиғма конструкциялар, ишлаб чиқариш технологиясига тузатишлар киритилмоқда. Июль ойининг ўрталарида, барча уйлар пойдевори тайёр бўлган ва биринчи навбатдаги ишлар битган пайтда қурилиш майдонига Сибирдан деталлар кела бошлайди. Навоий шаҳридан келган ишчилар ва инженерлар ҳозирдаёқ бу деталларни монтаж қилишни ўзлаштиришга киришдилар. Ленинградлик лойиҳаловчилар эса яна 30 минг квадрат метр уй-жой биноси тиклаш учун ҳужжатлар тайёрлаб беришади...

...Биз квартал чегарасидан ўтиб, бутун шимоли-ғарбий массив кенглигига чиқамиз. Бу массив ҳақида янги Қорақамиш лойиҳасининг бош архитектори Алла Шабалина ҳикоя қилиб беради.

Унинг иш столида, «Тошгипрогор»нинг архитектура устахонаси деворларида Қорақамиш уй-жой массиви чизиқларини — лойиҳаловчилар тасаввурини кўриш мумкин. 4, 5, 9 қаватли уйлар, кенг йўллар, боғлар... Сағбон ва Қорасарой кўчалари массив четига бориб туташади.

— Ленинградликлар 8 гектарга мўлжалланган чизган манзарани 150 гектарга ёйиб юборилади, — дейди лойиҳанинг бош архитектори. — Мен қурилишнинг ҳамма томонларини, қурилиш принципини назарда тутаяпман. Асосий мақсад Қорақамиш массиви аҳолисига барча қулайликларни яратиб бериш, яхлит архитектура ансамблини мужассамлаштиришдир. Бу ерда уч республика — Россия федерацияси, Грузия ва Ўзбекистон институтлари лойиҳаси асосида уйлар қурилади. Ишониш мумкинки, Тошкент, Ленинград, Тбилиси архитекторларининг фикр-ўйлари бир-бирини тўлдиради.

Уч микрорайонда чорак миллион квадрат метр уй-жой майдони тикланади. Микрорайонларнинг ҳар бири ўз маданий-маиший муассасалари — мактаблар, болалар боғчаси, магазинлар, спорт майдончалари, хиёбонига эга бўлади. Ҳамма микрорайонлар учун эса клуб ва 800 ўринли кинотеатр, савдо комплекси, парк, стадион қурилади. Текис йўллар Қорақамишни Тошкент маркази билан боғлайди. Шахсий автомашинаси бўлган кишилар ҳақида ҳам ҳозирдан ғамхўрлик қилинаяпти. Лойиҳада гаражлар, машиналар тўхтайдиган жойлар кўриш кўзда тутилмоқда.

— Қорақамишда тошкентликлар қачон ҳовли тўйи ўтказадилар?

— Асосий ишлар 1967 йилда кенгайтириб юборилади. Бунда Тошкентнинг шимолий саноат зонасида қурилаётган янги уйсозлик комбинати махсулотининг асосий қисмини Қорақамишда кўлланиш кўзда тутилаяпти. Яне қўшиб қўйиш керакки, — дейди А. Шабалина, — ҳозирча гап Қорақамишнинг биринчи зонаси ҳақида бормоқда. Навбатда яна бир шундай массив қурилиши турибди. Шаҳримизнинг шимоли-ғарбий чеккасида унга ҳам жой етарли.

... Шундай қилиб, Қорақамиш қурилиши бошланди!

ШТАТСИЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЁЗ ГАШТИНИ СУРМОҚДАЛАР

Пойтахтнинг Куйбишев районида пионер ёзини ҳушчақчақ ва мазмунли ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилган эди. Райондаги 15 та мактаб ҳузурида пионер лагерлари очилди. Ҳозир уларда район меҳнаткашларининг 4,5 мингдан ортиқ ўғил-қизи ёз гаштини сурмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу ўқувчиларнинг аксарияти зилзиладан зарар кўрган оилаларнинг фарзандларидир. Пойтахтнинг Тельман номли маданият ва истироҳат боғида очилган пионер лагерида 600 дан ортиқ ўқувчи бепул дам олмоқда.

Шунингдек, «Пионерская зорька», «Связист», «Спутник» каби лагерларда район меҳнаткашларининг 5 мингга яқин фарзанди пионер ёзини соз ўтказмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

ТЕПЛОВОЗЧИЛАР ҲИММАТИ

«Кўзимиз оқу-қорасидек азиз шаҳримизни қайта тиклаш ишига сен қандай ҳисса қўшдинг!» Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводи ишчилари, инженер-техник ходимларининг кеча ўтказилган йиғини шу масалага қаратилди.

Инструментал цехининг мастери ўртоқ Н. Ф. Нестеренко:

— Шаҳримизнинг истиқболи учун ҳар биримиз бир йилда қўшимча 200 соатдан ишлаб, келган даромадни қурилади ган янги уй-жойларга сарфлаш учун ўтказишга қарор қилдик, — деди.

Йиғинда сўзга чиққан тепловоз цехининг слесари И. Аликулин, шу цехнинг мастери В. Никонов, бош технолог Л. Кузнецова, уй-жой — коммунал бўлими бошлиғи Л. Г. Грибенников ва бошқа ўртоқлар бу ташаббусга қўшилганликларини айтишди.

Ю. БАҲОДИРОВ.

«САККИЗ БОЛАМ ЎНТА БЎЛДИ»

Етти иқлимни қидирса «Оқлон» маҳалласининг кампирларидай зукко, кўкси баланд оналар топилармикин! Маҳаллада бирон тўй-ҳашам бўлса, шу кампирларсиз ўтмайди. Бирон қўшниникида ғинг этган гап чиқса, яна шу кампирлар муҳокамасига тушади. Ер силкиниб турганда ҳам онахонлар тарқалиб кетишмади. Қайтага яна-ям пухтароқ жипслашиб, бир-бирларига далда бериб юришди.

Бир ойлар чамаси аввал маҳалла кампирларининг оғзида шивир-шивир гап юриб қолди.

— Эшитдингизми, айланай, Хабиба уйига иккита суқсурдай қиз бошлаб келибди!

— Нима, келин қилармишми! Бир эмас иккитасини-я!

— Квартир кўйгандир-да, ўргилай!

— Вой, уйингга бўгдой тўлгурей! Пулни нима қилади! Ахир меҳнаткаш ўғил-қизлари бор, келинни бор, бошида чоли бор!

— Хой овсинжонлар! Оғзларингга қараб гапиринглар! Жаям мунчалик эмасдир.

Ҳаммаси эртасига маълум бўлди. Ҳабиба холанинг чоли пенсионер Шомурод ота домком Дўлдирвой аканинг ҳузурига чиқиб, тилагини айтибди:

— Мана, ер қимирлади. Кўп одамлар бошпанасиз қолди, деб эшитаман. Шулардан бир-иккитаси бизникига келақолсин! Барибир битта уйимиз бекор ётибди.

Дўлдирвой ака кўнмаптн.

— Қизиқмисиз, ака! Ўзингиз жўжабирдай жонсиз, бола-чақа, набираларингиз бор. Йўқ, сизникига одам қўёлмаймиз

Шомурод ота бир сўзли одам эмасми, тутган еридан кесибди.

— Сен айтмасанг ҳам ўзим топиб келаман! — дебди, араздаб.

Йўқ, домком эртасига иккита қорақалпоқ қизини бошлаб келибди. Улар Тошкент политехника институтининг биринчи курсини битиришаётган экан. Ҳабиба холага жуда ёқиб қолишибди.

— Бирам одобли, бирам ақллики... Ўқимишли қизлар-да! — деб қўяди Ҳабиба хола қўшниларига, — Саккиз болам ўнта бўлди-ю, суюнмайманми! Ҳунарини айтинг! Иккови ўқиб, катта-катта уйлар қурадиган инженер бўлармиш. Бундан ҳам яхшн ҳунар борми жаҳонда!

Рязань кўчасидаги 28-уй ТошПИ қурилиш факультетининг иккинчи курс студенти Улмекен Бекниёзова билан унинг дугонаси — архитектура факультетининг студенти Тарбия Ешекиевага ўз ҳовлисидай бўлиб қолди. Улмекен ҳар куни авария ҳолатидаги уйларни текширшш учун чиқиб кетади, Тарбия курсдошлари билан бузилган уйларни йиғишда қатнашади. Ҳар иккови кечқурун ҳориб-чарчаб қайтишганида пенсионер Шомурод ота Азимов билан Ҳабиба хола уларни ўз фарзандларидай кутиб олишади. Оилаларнинг ўғил-қизлари улар билан опа-ука бўлиб кетишди.

«Оқлон» маҳалласининг кампирларини биласиз-ку! Бир-биридан қолишгиси келмайди. Улар ҳам уйимизга одамларни кўчириб келинг, деб чолларига ҳарҳаша қилишяпти. Ажаб эмас!..

Х. РАСУЛОВ.

ДЎСТЛИК ОҚШОМИ

Биноқорлар ишдан қайтишди. Чодирлар шаҳарчасида оқшом қўнди. Яна бир кунлик ижодий меҳнатга якун ясалди. Бугун литвалик қурувчилар анчагина ишларни амалга ошириб қўйишди: биринчи корпуснинг пойдевори кўтарилиб қолди, иккинчиси бетонга ҳозирланди, учинчи бино учун эса котлован қазишга тушилди. Ҳадемай ғишт теришга ҳам киришишади. Қарабсизки, бир-икки ой ўтмай кўп қаватли иморатларнинг бири фойдаланишга шай бўлади. Унинг калити эртадан вақтинча бошпанасиз қолган тошкентликларга топширилади.

Шу оқшом литваликлар шаҳарчаси ярим тунгача уйғоқ бўлди. Биноқорлар донғи дунёга нетган азиз отахонимиз Шоаҳмад Шомахмудов билан бир дастурхон устида анча вақтгача суҳбатлашиб ўтиришди. Отахон йигит-қизларга ўз интернационал оиласи ҳақида сўзлаб берди.

Урушнинг насофати билан ота-онасидан, қариндош-уруғларидан ажралган ўн олти гўдак Шоаҳмад ота ва Баҳри ая бағридан иссиқ бошпана топди. Чол-кампир бу етим-есирларни ўз фарзандларидек авайлаб тарбияладилар. Ҳозир улар Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида меҳнат қилмоқдалар. Кўпчилиги оилали, болачақали. Тез-тез Тошкентга келиб турадилар. Ота-оналарининг дийдорига тўйиб қайтадилар.

Саховатли қариянинг гаплари ёш биноқорларни тўлқинлантириб юборди. Йигит-қизлар қалби да одамийлик, ватанпарварлик туйғулари тағин ҳам мавжланиб нетди.

— Кучимиз дўстликда, бирликда. Уруш йиллари ҳаммамиз жипслашиб фашизмни тор-мор қилдик. Биргалашиб янги шаҳарлар бунёд этдик. Мана бугун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб янги Тошкентни яратмоқдамиз. Литваликлар ўзбек дўстларимиз учун ўн минг квадрат метр турар-жой қуриб берадилар. Биноларимиз ўзбек ва литва халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлигининг рамзи сифатида асрлаб яшайди, — деди пировардида қурилиш поезди бошлиғи Ф. Кудрявцев.

Суратда: Шоаҳмад ота Шомахмудов латвиялик биноқорлар орасида.

В. Сваричевский фотоси. (ЎзТАГ).



УСТА ЖИЛМАЙДИ

УСТА ҚОДИР «бир ғузарга чиқиб келай», деганча тушликка ҳам келмади, кечқурун ҳам дараги бўлмади. Кун оққанда Ҳури холанинг юрагига ғалвагўла тушди. «Бошлари айланадиган одатлари бориди, у ер бу ерда йиқилиб қолган бўлсалар-а...»

У шу фикрга келиб, жуда қўрқиб кетди. Кўз ойнагини улоқтирди, қавиб ўтирган кўрпачасини нарига сурди. Аҳил-тапил оёғига ковшини илиб, ғузарга шошилди. Кўча эшиклари очганди, мактабдан невараси келиб қолди.

— Ҳой, югур ғузарга, отангдан хабар олиб келчи, намунча йўқолиб кетмасалар...

Невараси келгунча кампир ўзини қўярга жой тополмай ҳовлида уёқдан-буёққа бориб келиб турди. Икки-уч тапқир дарвозадан кўчага мўралади. Хаёли қочиб, овқатга туз деб бир чимдим чой солиб юборди, кейин сезиб қолиб:

— Вой эсим қурсин, — деб ўзини-ўзи койиб турганда югурганча невараси қайтиб келди. — Ҳа, келяптиларми?

— Пўқлар, Фозил амакимларга, сўрашса айтиб қўярсан, бир городга чиқиб келай, деган эканлар...

— Вой, дайди бўлмай қолсинлар, пиширибқўйган эканми, у ерда...

Ишдагилар ишдан, ўқишдагилар ўқишдан келишди, фақат Уста Қодирнинг ўрни бўш турарди. Кампир чолига илҳақ бўлиб овқатегандай бўлмади. Тиқ этса эшикка қарайверибневараларига, келинларига кулги бўлди. Онасининг бу аҳволини сезиб турган катта ўғли ҳазиллашди.

— Ойи, намунча қўрқмасангиз, дадамларни биров конфет бериб олиб кетиб қолармиди...

Унинг бу гапига бошқалар кулишган бўлишса ҳам, катта келини эрининг қалтис ҳазилидан ранжиб, хўмрайиб қўйди. Онаси «чурқ» этмади.

Онанинг нохуш бўлиб қолганини фаҳмлаган катта ўғил аста ўрнидан туриб кийина бошлади. Шунда келин қайнонага эшиттириб эрига:

— Тезроқ бўлақолинг, дадамлар кекса одамлар, бош-мошлари айланиб... дея гапира бошлаган эди, кампирнинг баданига иссиқ югурди ва келинининг сўзини бўлиб:

— Уч-тўрт кундан бери мазам йўқ, деб юрувдилар, тағин... Илдамроқ боракол ўғлим, — деди ўрнидан туриб

Ўғил билан келин кампирнинг елкаси оша кўз уриштириб илжайиб қўйишди...

Орадан сал ўтмай ота-бола эшикдан кириб келишди. Ўғли дадасини автобусдан тушаётганда кўриб қолибди ва югуриб ёнига келибди.

— Тинчликми, дада, қаёқда қолиб кетдингиз, ахир...

— Городга чиққан эдим...

Уста Қодир ҳорғин овозда шундай деди-ю, бошқа гапирмади. Ўғлининг саволларига баъзан бош силкиб, баъзан «ҳа» деб қўя қоларди. У уйга келгандан кейин ҳам ҳар кунгидек невараларини эркалаб ўйнатмади, кампирига ҳазил қилиб ҳеч кимни кулдирмади. Олдига келтириб қўйилган маставага қайрилиб ҳам қарамади. Ҳар куни сийран тишларини кўрсатиб қах-қах уриб кулиб ўтирадиган Уста Қодир гамгин бўлиб қолганди. Икки-уч пиёла чой ичиб бўлгач, уйга кириб кетди. Унинг авзойини кўриб ўғил-қиз, невaралар жимиб қолишган, нима қилишларини билишмасди...

Уйга кетма-кет кампир ҳам кирди. Уста кроватга чўзилай деб турганда:

— Ҳой, Сизга нима бўлди, болаларингиз қўрқишяпти, — дейди, — биров бир нима дедими?

— Йўқ, ўзим... Бузилаётган иморатларни кўриб юрагим эзилиб кетди...

— Ўшатда ишлаганга ўхшайсиз, ҳамма ёғингиз чанг? — кампир чолнинг ёнига ўтираётиб сўради.

— Ҳа, ишладим, қўлимни қовуштириб қараб туролмадим, — Уста дўпписини чертиб туриб гапирар, дўппидан учиб чиқаётган чангдан кўз ўзмасди. У шу бир нуқтага тикилганича эслаб кетди...

ЁШ ТЎРТ. ё ўнбеш ёшларда эди. Дадаси Уста Нодир билан ҳар куни қўқон аравага тушиб Анҳорнинг нариги бетига иморат қургани боришарди. Уста Нодир чапдаст усталардан эди. У ўша йиллари расм бўлган янги типдаги уйлар — деразаси кўчага қараган бинолар қуришда ном чиқарган эди. Унинг кекса ҳамкасблари уста Нодир исми ёнига Нодир фаранг лақабини ҳам тиркашган эди. Мўйлаби сабза урган Қодир дадаси ёнида юриб ғишт олиб берар, деразага кесакни қўйишга ёрдамлашар, хуллас эртадан-кечгача отаси билан бирга бўларди. Уста Нодир эса зеҳнли, меҳнатсевар ўғлига фаранглик ҳунарини сингдирар, битта ғиштни қийшиқроқ қўйса куйиниб:

— Ҳай, ҳай, асло бундай қила кўрманг Уста Қодирвой, — дея насиҳат қилишга тушарди. Иморат устасининг иши беш-ўн йилда эмас, бир-икки пушт ўтгандан кейин баҳосини олади. Қўрган иморатингизнинг девори эллик йилдан кейин қийшайса, ҳа, уста бўлмай қўлинг синсин... деган таънага қоласиз-а... Дадам раҳматлик «Ҳа, ўғлим, ғиштдан ол, анави тахтани узатиб юбор» деган овози эшитилиб тургандек бўларди. Мана ҳозир эса, «Қўрган иморатинг йилга етмагандан кейин...» деятгандек. Уста дадасига далда бермоқчи бўлиб «зилзила бўлмаган да-ю...» дейди пичирлаб. У шундай дейди-да, камланган мўйлабини ҳимариб қўяди, нуроний чеҳраси ғамгин тусга киради.

Уста Қодир шуларни ўйлаб ётиб уйқуга кетди. Кампир унинг елкасига кўрпани тортиб аста ирганича уйдан чиқди. Нарнги хонадаги телевизорнинг овозини паслаттириб қўйди-да, катта келининнинг ёнига бориб ўтирди.

— Жуда чарчабдилар, эртага яна бораман деяптилар...

— Қаёққа борарканлар, — сўради ўғли.

— Дадамлар билан қурган иморатларимиз бузилаяпти, шуларга қарашаман, кейин қурилишда ишлайман, — деяптилар. Кампир ҳам устанинг энди уста бўлган чоғларини, ҳар куни дадаси ёнида ишлаб, бугун сарров ташладик, бугун иккита уй сувоқдан чиқди, деб хурсанд бўлиб келган пайтларини, қўни-қўшнилар, катта усталарни чақириб ош қилиб берилган ва Қодирга расмий суратда уста номи қўшилиб айтилишга қарор қилинган куни, бунинг хурсандчилигига унинг дадаси бошқа бир устага бош оёқ сарпо қўйилган кунни эслади. Мана ўша иморатлар бугун бузилаяпти. Зилзила бўлмаганда-ю...

Кампир ўғил-қизига, келинларига, невараларига шулар ҳақида сўзлаб бераркан, икки гапнинг бирида отанглар ёнига ўша вақтларда катта усталар ҳам маслаҳат сўрагани келишарди, тўрт даҳада бунақа уста йўқ дейишарди, мазмунидаги гапларни алоҳида бўртириб, таъкидлаб айтарди.

Ҳонадон бошлиғининг райига қараб бугун ҳамма барвақт ётиб қолди. Кампир соатнинг қўнғироғини олтига тўғрилаб буради. Невarасини бағрига олиб ёнбошлади.

Ҳури хола невarасини елкасига уриб аллалаб ётиб ўзи ҳам уйқуга кетди. У бир маҳал чўчиб уйғонса ҳовли ғира-шира. Шошиб чоли ётган хонага кирди. Уста ўрнида йўқ эди. У бир тарзи бўлиб кетди. Соат жиринглаб ҳам уйғонмабди-я... У ўзини-ўзи койиб ҳовлида ивирсиб юрарди. Шу пайт соат жиринглаб қолди, хола чўчиб тушди. Бундан чиқди жон сарак уста соатга ҳам қарамай эрта туриб кетибди. Қаерда ишлаётганикин, бир коса қаймоқ билан тўртта юмшоққина нон кўтариб борса. Йўқ, билмайди. Толиқиб уриниб қолмасайди, чоли тушмагур.

Кампир уста ҳақида ўйлаб, қайгириб уйга кирар, ҳовлига чиқар, эндн ўтирганда чанг тўзон ичида терлаб-пишиб хода судраб кетаётган, машинага ғишт иргитаётган уста Қодир кўзига кўринib кетиб, яна ўрнидан туриб кетарди.

Уста Қодир ўнбеш-йигирма кундан бери кун чиқмай уйдан жўнайди. Ҳар куни қоронги тушяриб келади. У пенсияга чиқиб, қўлари анчагина юмшаб қолган экан. Икки марта қўлини намакобга юбди, тирналган бўйнига нод қўйдирди. Устанинг юзлари униқиб, қорамтил бўлиб кетган эди. Бир гапириб, ўн куладиган одам индамас, хомиш бўлиб қолса жуда хунук кўринаркан. Ҳар куни кампири, ўғлилари, келинлари уни-муни айтиб чолнинг кўнглини юмшатишмоқчи бўлади, қани энди у тишининг оқини кўрсатса. Ахири бир кун хола:

— Намунча қовоғингиздан қор ёғмаса, — деди чолнинг ўзига,— болаларнинг юрак-бағрини эзиб юбординғиз-ку...

— Дилингда ғашлик бўлса, лабингга кулгу келмас экан,— деди уста чуқур уҳ тортиб, — ўзимни шунча босволай дейман, бўлмаяпти...

— Шундай бўлса ҳам, болаларнинг олдида ёзилиброқ ўтиринг, — деди хола эрининг оғир аҳволига тушуниб, ёмон ўрганиб қолишган экан сизга...

Кунларни тунлар, тунларни кунлар қувиб вақт ўтарди. Аммо устанинг чеҳраси ҳамон хомиш эди. Хотини, ўғиллари ва келинларининг «қўйинг, уриниб қолasиз» мазмунидаги гапларини охиригача эшитмас, уларни койиб берарди. Бир кун шунақа гапи яна такрорланганда ниҳоятда ҳафа бўлди, шекилли жиги-бийрон бўлиб:

— Иморат бузилиши устанинг бағрига найза санчилиши билан бир, — деди, — дадам раҳматлик бузилаётган иморатни кўргунча кўр бўлганим яхши, дердилар. Нима қилайин, томоша қилиб турайми. Менинг ишимга аралашмаринг...

БУГУН УСТА ҚОДИР ҳар кунгидан эрта қайтди. Кўчадан кирибоқ ҳужрага бурилди. У ерда анча вақт йўқ бўлиб кетди. Бир маҳал бир халта нарсани кўтариб чиқди. Халта оғзидан занг боса бошлаган даст арранинг учи кўриниб турарди.

— Ҳа, отаси, яна нима ҳаракат, — деди Ҳури хола.

— Энди навбат буларга келди бугун пойдевор қўйдик, — деди уста суяклари бўртиб турган юзларига табассум югуриб, — эртаиндиндан бошлаб ғишт терамиз.

Уста Қодир кечки овқатда ўйнаб-кулиб ўтирди. Невараларини навбат билан елкасига миндириб ўйнатди. Қизиқ ҳангомаларни айтиб ҳаммани аввалгидек кулдирди. Унинг бу аҳволда кўриб уйдагилар суюнди. Катта келини кулиб туриб сўради:

— Дада, жуда хурсандсиз, раҳматнома олдингизми?

— Ундан ҳам каттароқ мукофот олдим қизим. Иморат бузишдан қутилдик, бугун биринчи уйга пойдевор қўйдик. Устанинг қўли иморат бузса қалтирайди, қурса кучига-куч қўшилади. Янги уй қураяпман қизим...

Уста Қодир сийрак тишларини кўрсатиб хурсанд жилмайди. Кўзларн чақнаб кетди. У неварасини бағрига босаркан:

— Янги шаҳар қурамиз! — деди пичирлаб.

С. МАҲКАМОВ.

(Воқеий ҳикоя)

ШОНЛИ КУНЛАР, ИЛҲОМБАҲШ ИСТИҚБОЛЛАР

МЎҒУЛИСТОН ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА

Ушбу сатрларнинг авторига бундан қарийб ўн беш йил муқаддам меҳмондўст Мўғулистон тупроғига биринчи марта қадам қўйиш ва кейинчалик уч йилдан кўпроқ вақт мўғул дўстлар орасида бўлиш насиб этган эди. Кейинчалик мен яна қардош Мўғулистонга боришга муяссар бўлдим. Мен мамлакат пойтахти Улан-Батор ва олисдаги шаҳар Кобдода яшадим ва ишладим, Налайху кўмир ҳавзаси ва Дархан қурилишларини бориб кўрдим, Гоби саҳроси ва Хангай довонларини кездим, Селенгин яйловлари ва Орхон водийсида бўлдим. Ҳамма ерда бу қадимий мамлакатнинг қиёфаси ўзгараётганини, янгилик куч тўплаб, ўсаётганини кўрдим.

Мўғулистоннинг бепоён чўллари, ҳушманзара баланд тоғлари, суви лиммо-лим кенг дарёлари ва чуқур мовий кўллари ниҳоятда гўзал, жозибадор. Лекин ҳаммадан ҳам чуқур таассурот қолдирадигани бу — Мўғулистоннинг кишилари — қишлоқ хўжалиги ва саноатининг, фан ва маданиятнинг толмас меҳнаткашлари. Уларнинг ижодий меҳнатлари натижаси билан танишганингда самимий меҳр-муҳаббатинг яна ҳам жўш уриб кетади. Ҳақиқатан ҳам социализм қурилишининг ҳаётбахш ғояларидан илҳомланган халқ мамлакат иқлимини туғдираётган катта қийинчиликларни ва кўп асрли тарих қолдирган турмуш мушкулотини фидокорлик билан енгиб, мўъжизалар яратмоқда.

Мўғулистон Халқ-революцион партиясининг 7—11 июнда бўлиб ўтган XV съезди партия ва халқ ҳаётида катта воқеа бўлди. Съезд мўғул халқи ҳаётидаги икки йирик сана — Мўғулистон Халқ-революцион партияси тузилганининг 45 йиллиги нишонланган 1 март билан халқ революциясига 45 йил тўлган 11 июль орасида бўлиб ўтди. Мўғулистон меҳнаткашлари бундан 45 йил илгариги ўша тарихий кунда мустамлака ва феодал зулмига абадий барҳам бериб, социалистик жамият қуришга киришган эдилар.

Съезд партия фаолиятидаги асосий йўналишларни белгилаб берган янги, тўртинчи Программани қабул қилди, партия ва халқнинг учинчи беш йиллик (1961—1965) план топшириқларини бажариш юзасидан қилган ишларига якун ясади, тўртинчи беш йиллик (1966—1970) Директивалларини тасдиқлади.

МХРПнинг XV съезди қардош партиялар вакилларининг кенг иштирокида ўтди. Съезд ишида 39 мамлакат коммунистик ва ишчи партиялари делегацияси, шу жумладан КПСС делегацияси иштирок этди. Съезд партиянинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги ва жипслигини кучайтириш, халқаро империализмга қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда жаҳондаги барча революцион кучлар бирдамлигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий ва амалий фаолиятини яқдиллик билан маъқуллади.

Съезд қабул қилган янги Программа мамлакатни социалистик йўлдан тараққий эттишини таъминлаш борасида мўғул халқи олиб борган курашнинг бой тажрибасини умумлаштиради, марксизм-ленинизмнинг илгари қолоқ бўлган мамлакатларнинг капитализм босқичини четлаб, феодализмдан социализмга ўтиши мумкинлиги тўғрисидаги назарияси асосида бу ривожланишнинг қонуниятларини очиб беради.

Программада Мўғулистон Халқ Республикасида социалистик жамият қурилишини тугаллаш юзасидан вазифалар белгилаб берилган. Вазифалар ичида энг муҳими бу социализмнинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш ва келажакда коммунизмга ўтиш учун шарт-шароитларни таъминлашдир. Ана шу вазифани бажариш натижасида МХР аграр-индустриал мамлакатдан индустриал-аграр мамлакатга айланиши керак. Мўғулистон меҳнаткашлари халқ революциясининг шонли 45 йиллигини учинчи беш йиллик планни муваффақиятли бажариш билан кутиб олмоқдалар. Бу беш йилликнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шу бўлдики, Мўғулистон тарихида биринчи марта унинг экономикаси, хусусий арат хўжаликларини кооперативлаштириш 1959 йилда тугалланиши муносабати билан, ягона социалистик хўжалик системаси шароитларида ривожланди. Бу учинчи беш йиллик топшириқларининг бажарилишида айниқса мамлакат экономикасининг асосий соҳаси социалистик қишлоқ хўжалиги ўз самарасини кўрсатди.

Учинчи беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 20 процент кўпайди. Қорамоллар сонини кўпайтириш бўйича беш йиллик план оширилиб бажарилди. Ҳозирги вақтда жон бошига ҳисоблаганда қорамоллар сони жиҳатидан (22 бошдан) МХР дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида олдингги ўринлардан бирида туради.

Утган беш йилликда асосий чорвачилик маҳсулотларини етказиб берадиган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ўсди ва мустаҳкамланди. Ҳозир МХРда 289 та қишлоқ хўжалиги бирлашмаси бўлиб, бутун мамлакатдаги қорамолларнинг 77 проценти шу бирлашмаларнинг жамоат подасидадир. Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ўз экин майдонларини ҳам бирмунча кенгайтирдилар.

Республикада деҳқончилик янада ривожланди. Беш йил мобайнида экин майдонлари 81 процент кўпайди, ғалланинг ялпи ҳосили эса 38 процентга ошди. Ҳозир жон бошига 300 килограммдан ортиқ буғдой ишлаб чиқарилмоқда. Бу ўз ишлаб чиқариши ҳисобига мамлакатнинг донга бўлган эҳтиёжини тўла қоплаш имконини беради.

Шунингдек, МХР социалистик саноати ва капитал қурилиши йирик муваффақиятларга эришди. 1960 йилга таққосланганда саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 1965 йилда 1,6 баравар ўсди, унинг ўртача йиллик ўсиш суръати эса 10,5 процентни ташкил этди. 90 дан ортиқ янги саноат корхонаси ва цех ишга туширилди. Совет Иттифоқи, Польша ва Чехословакия ёрдамида қурилаётган Дархан саноат-энергетика комплекси учинчи беш йиллик-нинг энг муҳим янги қурилиши бўлди.

Йирик иқтисодий муваффақиятлар халқ моддий турмушини ва маданий савиясини анча ошириш имконини берди. Партия ва ҳукумат кам ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг маошини ошириш, даромад солиғи ҳажмини камайтириш, энг муҳим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархларини ошириш каби ва бошқа тадбирларни амалга оширдилар.

МХРП XV съезднинг халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик планини юзасидан Директивалари республика халқ хўжалигини янада ривожлантиришни кўзда тутади. Тўртинчи беш йиллик МХРП янги Программасини амалга оширишда муҳим босқичдир.

Сўнгги йилларда Мўғулистон Халқ Республикасининг социалистик мамлакатлар билан қардошларча алоқаси янада мустаҳкамланди ва кенгайди, халқаро майдонда республиканинг обрўси ортди. Ҳозир халқ Мўғулистони дунёнинг 33 давлати билан дипломатик алоқа ўрнатган, 20 дан ортиқ мамлакат билан савдо муносабатларини йўлга қўйган. 1961 йилда МХР Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. 1962 йил июндан бери у тўла ҳуқуқли аъзо сифатида ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгаши ишларида қатнашиб келмоқда. МХР ҳукуматининг ташқи сиёсати социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга, умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Халқ Мўғулистони 45 йил мобайнида социализм қурилишида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Мўғул халқи ўз марксча-ленинча партиясининг синалган раҳбарлиги остида янги партия программаси ва МХРП XV съездининг беш йиллик юзасидан Директивларида олға сурилган вазифаларни муваффақиятли бажариб, жаҳон социалистик системаси куч-қудратини мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Совет кишилари, тантанали байрам кунида дўстона халққа катта муваффақиятлар тилайдилар.

В. ТИТКОВ.

Халқ Мўғулистонида болалар тўғрисида катта ғамхўрлик қилинади. Мамлакатда болалар яслиси ва боғчалари, шифохона ва туғруқхоналар, консультация ва сут ошхоналари йилдан-йилга кўпаймоқда. Халқ хонимияти йилларида аҳоли сони 10 марта ўсди. Бу МХР даги халқ хонимиятининг буюк ютуқларидан биридир. Юқоридаги Суратда: Арбай-Херэн аймоғидаги болалар боғчасида. Пастдаги суратда: Мўғулистон Халқ Республикаси пойтахти — янги Улан-Батор.

В. Хоменко фотолари, ТАСС фотохроникаси.





САНИТАРИЯ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

СУВЛАРНИ ИФЛОС ҚИЛМАНГ!

Ҳаёт қўшиғини куйлаб оқаётган зилол сув боғларга, экинзорларга жон беради, уларни яшнатади. Сув, айниқса инсон ҳаёти учун жуда зарурдир.

Шундай экан, сувнинг ўзи ҳам доимо тоза бўлиши керак. Аммо, айрим кишилар сувнинг тозалигига риоя қилмайдилар, ҳавзаларга турли чиқинди ва ахлатларини ташлаб, сувни ифлослантирадилар. Салор ва Ҳуршид кўчаси ёқалаб оқаётган ариққа бир назар ташланг! Ариқ туби ва қирғоқларида консерва банкаларини, ҳар хил чиқиндилар ва ахлатларни кўриб, кишининг таъби хира бўладн.

Баъзи кишилар «сув етти думаласа ҳалол» деган иборани ишлатадилар. Бу, тамоман нотўғридир. Сувда органик бирикмалар: оқсил, ёғ, карбон сувлари парчаланиб, нитрат ва нитрит тузлари ҳосил бўлади ҳамда зарарсиз ҳолга келади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ахлат ва чиқиндилар билан бирга сувга сил, қорин тифи, дизентерия, паратиф ва сариқ касалликларининг микроблари тушиши мумкин. Бу хил микроблар сувда бир неча кун тирик сақланади. Шунинг учун бундай сувларни қайнатмасдан истеъмол қилиш, ифлос сувга сабзавот ва меваларни ҳамда ошхона жиҳозларини (коса-шиёла, лаган ва қошиқлар) ювиш, уларда чўмилиш ярамайди. Акс ҳолда, юқорида айтиб ўтилган касалликлар кишига юқиши мумкин.

Касалликларнинг тарқалмаслиги учун ота-боболаримиз айтганидек «ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурмас»лик даркор; сув ҳавзаларини ҳар хил чиқиндилар билан ифлослантирмаслик, магзаналарни ариқларга оқизмаслик, кирларни сувда чаймаслик лозим. Шаҳар канализациясига боғланмаган ҳовлиларда ва қишлоқ жойларида алоҳида кир ўралар бўлиши лозим. Ҳали водопровод қурилмаган ва оқар сувлар билан таъминланмаган жойлардаги қудуқларнинг атрофини цементлаш лозим: Токи, ёмғир ва челаклардан тўкилган сувлар қайта қудуққа тушиб, уни ифлослантирмасин!

«Оқ бўлмаса бўлмасин, аммо пок бўлсин» деганлардек юқорида айтиб ўтилганларга амал қилиб ариқ, ҳовуз, кўл ва қудуқ сувларининг поклиги ва тозалиги учун ҳаммамиз биргаликда курашайлик.

К. ОЛИМЖОНОВ,
республика санитария маорифи уйининг ходими.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Лагеримизда (мактаб ўқувчилари учун), 12.25 — Хаёлпарастлар (бадиий фильм), 13.30 дан — Москва кўрсатади (тажриба тариқасида).

Тошкент кўрсатади

Рус тилида: 17.00 — Мультфильмлар, 17.35 — Реклама ва эълонлар, 17.45 — Беш марта изҳор қилинган севги (ҳужжатли фильм), 17.55 — Телевизион янгиликлар, 18.10 — Бугун Балиқчилар куни, 19.00 — Эртаги кун программаси.

Ўзбек тилида: 19.05 — А. Нуримов Икки туп лола (телеинсценировка), 19.45 — Телевизион янгиликлар, 20.00 — Оталар сўзи-ақлнинг кўзи («Ёшлик» студияси), 20.50 — Далада ишловчилар учун, 21.40 дан — Москва кўрсатади (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Олмаота кўрсатади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Виждон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Чўққисоқол король — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 5 ярим ва кеч 10 да).

Вундеркиндлар учун орден — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Том тоғанинг кулбаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 2 ярим ва кеч 7 да).

Қон-қариндош — «МОСКВА» (кеч соат 6 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8—45 ва 10 яримда).

Виждон — «ФЕСТИВАЛЬ», «ВАТАН».

Дайди (1 ва 2-серия) — КАФАНОВ номли.

Уч мушкетёр — НАВОИЙ номли.

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

12 июль кеч соат 7 да Совет Иттифоқи биринчилиги учун «А» классидаги: «Политотдел» (Тошкент области) — «Кузбасс» (Кемерово) командалари ўртасида

футбол

Навоий номли театрдан (Революция сквери орқали) стадионга автобуслар қатнайди.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИДА

(Ленин комсомоли номли паркдаги ёзги бинода) гастролдан қайтиб келгандан кейин қўйиладиган спектакллариниг

репертуар плани

13/VII да — Бағритош,
14/VII да — Қаламқошлигим,
15/VII да — Равшан ва Зулхумор,
16/VII да — Концерт,
17/VII да — Бағритош,
18/VII да — Тошболта ошиқ.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» АВТОТРЕСТИГА

автотранспортни ремонт ва эксплуатация қилувчи инженер-техник ходимлар, бош ва старший бухгалтерлар, автотранспорт учёти ва экономикаси билан таниш экономистлар, шоферлар, авторемонтчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (11, 14, 26-автобус, 1, 4, 8-троллейбус, 7, 8, 11-трамвайнинг «Область ижроия комитети» остановкаси).

КАНАДАГА—ЖАҲОН ВИСТАВКАСИГА

Монреаль—Канаданинг энг йирик шаҳари. Унда икки миллионга яқин аҳоли яшайди. Шаҳар оролга жойлашган бўлиб, ўртасида баландлиги 200 метрлик Монт-Рояль тепалиги жойлашган. Тепалик чўққисидаги паркдан туриб қарасангиз, бутун шаҳар кафтдай кўринади.

Монреаль мамлакатнинг катта саноат ва маданият маркази ҳисобланади. Бу ерда икки университет, радио ва телевидение марказлари, театр ва музейлар бор. Шиша сарой деб номланган жойда мунтазам виставка ҳар доим ишлаб туради. Монреаль виставкаларида кўпинча саноат ва кишлоқ хўжалик соҳасида эришилган ютуқлар намойиш қилинар эди. 1967 йилда эса, бу ерда «Ҳамма нарса инсон учун!» деган шиор остида жаҳон виставкаси очишга қарор қилинди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун сарфланмоқда. Шунинг учун ҳам Монреаль виставкасининг шиори бизга жуда маъқул келди. Совет Иттифоқи жаҳон виставкасида қатнашишга мамнуният билан розн бўлди.

Виставка экспонатлари орасида Ўзбекистон амалий санъат усталарининг ҳам кўпгина асарлари бор.

Ўзбекистон Бадиий виставка ва панорамалар дирекцияси экспозицияларни тайёрлаб қўйди.

Ўзбек халқ ижодининг ўйинчоқлик санъати билан шуғулланаётган усталари яратган асарлар виставкага юборилади. Ёғоч ва ганчга гул ўйиб ишланган турли-туман идишлар, Бухоро чевар-лари тикиган гўзал сўзаналар, Фарғонанинг чуст дўппилари, Сурхондарёнинг пилта-дўзилари, Тошкентнинг ироқи дўппилари — булар ҳаммаси жаҳонининг турли чеккаларидан келган томошабинлар учун ажойиб совға бўлади. Самарқанд ва Гиждувон, Риштон ва Каттақўрғон, Шаҳрисабз ва Тошкент ганчкорлари ўз асарларини, вобкентлик уста Ҳамро биби Раҳимова ясаган чиройли ўйинчоқларини виставкада намойиш қиладилар.

Маргилон хонатласларининг донги бутун дунёга тарқалган. Жаҳон виставкасига ўн беш хил атлас юборилди.

Республикамиз амалий санъати жаҳон кўргазмасида муваффақият қозонишига имонимиз комил.

К. НОВОСЕЛОВА.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

КОРХОНАЛАР ЁПИЛМОҚДА, ИШЧИЛАР ИШДАН БЎШАТИЛМОҚДА

СТОКГОЛЬМ. (ТАСС). Швеция матбуоти қуйидагиларни хабар қилди: кейинги олти ой ичидагина Швецияда мол сотишдаги қийинчиликлар ва конкуренциянинг кучайганлиги натижасида 126 та майда ва ўрта саноат корхонаси ёпилди. Буларда ишлаб турган 5.500 га яқин ишчи ишдан бўшатилди.

Бу ҳол ишсизликнинг, хусусан тўқимачилик ва пойафзал саноатида ишсизликнинг ўсишига олиб келди.

МАРОКАШ АҲОЛИСИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Статистика бюросининг расмий маълумотларига қараганда, 1965 йилда Марокаш аҳолисининг умумий сони 13 миллион 323 минг кишини ташкил этган, буларнинг 190 мингтаси ажнабийлардир.

ҚАРОҚЧИ САМОЛЕТ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахтида яна «ҳаво тревогаси» сигнали янгради. Америка самолети пойтахт осмонига бостириб кирди. Тревогани тўхтатиш сигнали берилганидан кейин бир неча минут ўтгач, пойтахтнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш кенгаши Америкасининг қароқчи самолети уриб туширилганлигини радио орқали хабар қилди.

* * *

ХАНОЙ. (ТАСС). Америка авиацияси кейинги бир неча кун ичида Вьетнам Демократик Республикаси устида олти самолетидан ажралди. Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, бу самолетларнинг учтаси Хайфон шаҳри атрофида уриб туширилган.

ФЕОДАЛЛАРГА ЗАРБА

ҚОҲИРА. (ТАСС). Феодализмни тугатувчи олий комитет 23 феодал хонадонининг капитал ва мулкларини тақиқлаб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қоҳира газеталарининг хабар беришича, ана шу феодал хонадонларининг 15 таси Бирлашган Араб Республикасининг ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунларини бузганлар, қолган 8 оила эса аҳолини эксплуатация қилишда айбланади.

Комитет феодал хонадонларининг назоратида бўлган Араб социалистик союзи, қишлоқ хўжалик кооперативлари комитетларини ва маҳаллий кенгашларни тарқатиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди.

ФУТБОЛ НАВБАТДА ОҒИР ЖАНГ

ПАХТАКОР» КОМАНДАСИ яна бир тўсиқни босиб ўтди: Кутаиси шаҳрида маҳаллий торпедочилардан енгилмади. Энди ўзбек футболчиларини оғир синов кутиб турибди. Улар навбатдаги курашни ниҳоятда қийин команда — Ростовнинг армия футболчилари билан ўтказадилар. Бу команда чемпионат давомида ҳали бирон марта. «Пахтакор»га бўш келмаган, унга ўзининг куч-қудратини ва қобилиятини кўрсатиб келган. Навбатдаги турда армия спортчилари «Пахтакор»га яна ўз ҳукмларини ўтказа олармикинлар, деган савол жуда кўп ишқибозларни қийнаб келмоқда.

«Пахтакор» аввалги йилларда «Пахтакор» эмаслигини энди унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам Ростовда бўладиган жанг ўйинларининг энг олийси, энг чўққиси ҳисобланади. Бу учрашувда ростовликлар ғалаба қилиб, бу катта муваффақиятнинг гаштини суришни жуда—жуда истаяптилар. «Пахтакор» эса ўзини янада ўнглаб, москвалик спартакчилардан ўтиб кетиш иштиёқи билан яшаяпти.

Кутиб турайлик, ўйин қандай натижа билан тугашини яқин орада биламиз. Ҳозирча Кутаиси шаҳрида бўлган ўйинга қайтайлик. Ҳамма жойда «Пахтакор» билан бирга бўладиган, унинг ғалабаларидан фахрланадиган, оғир аҳволда қайғирадиган битта киши Кутаиси шаҳрига келмади. Бу киши — «Пахтакор» футболчиларининг отаҳони Михаил Иосифович Якушиндир.

М. Якушин Англияга — жаҳон чемпионатига қараб йўл олди. Пахтакорчиларнинг тарбиячиси Англия стадионларида кўзини қувнатириш жаҳоннинг энг кучли командалари ўртасидаги ўйиндан завқланиш учун Лондонга йўл олгани йўқ. У бу ерда энг зўр командаларнинг маҳорати билан танишади, ҳар бир ўйинчининг ҳаракати, ўзини тутиши, тўпга ташланиши, рақибини алдаб ўтиши билан синчиклаб танишади. Ана шуларнинг ҳаммасини СССРга қайтиб келгач, ўз талабалари — «Пахтакор» футболчиларига ўргатади...

Автозаводчилар «Пахтакор»ни албатта енгиш руҳи билан яшаб келаётганликларини ўйинининг дастлабки минутларидаёқ кўрсатдилар. Аммо, дарбозадаги Пшеничников, унинг атрофидаги Науменко, Штерн, Зокиров ҳамда Шариповлар кучсизлик спортчиларининг ширин орзу-умидларини шунча чиқариб турдилар. Бу деган сўз мезбонлар доим актив ҳужумга ўтиб турдилар, деган гап эмас. Меҳмонлар дарбоза олдида ҳушёр туриш билан бирга торпедочиларнинг ҳимоячиларини жон ҳовучлаб ўйнашга мажбур қилдилар.

Ўйиннинг иккинчи ярми янада шиддатлироқ бошланди. Аммо ҳар икки дарбоза узоқ вақт хавфсиз турди. Урилган тўпларнинг кўпи ҳимоячилардан қайтган бўлса, айримларини дарбозабонлар қайтариб турдилар.

Геннадий Красницкийни кўз остидан бир онгина йўқотиш хавфли эканлигини барча ҳимоячилар биладилар. Ана шуни автозаводчилар мизғиб қолганлари учимни билмай қолдилар. Красницкий тўпни ўнглаб олиб, ўзининг қудратли тепкиси билан тўпни дарбозага йўналтирди. Мезбонларнинг дарвозабони бундай зарб билан тепилган тўпни ушлаб қолиши мумкин эмас эди, шунинг учун ҳам ушлаб қолмади...

Ҳали қўлга тўла киритилмаган ғалабадан бевақт хурсанд бўлиш ёмон натижа бериши шу ерда — Кутаиси шаҳрида билинди. Автозавод спортчилари ўйинни марказдан бошлашлари биланоқ ўқдек олдинга интилдилар. Ўйин қонадси бузилди. «Торпедо» ҳужумчиси тўпни штраф белгиланган жойга қўйди. Зарб билан тепилган тўпни Пшеничников ушлаб қололмади. Ҳисоб 1 : 1. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади. «Пахтакор»нинг дурангги 10 тага етди, ғалабаси ҳозирча бешталигича турибди.

КОМАНДАЛАР АҲВОЛИ ҚУЙИДАГИЧА:

Командалар	У.	Т.	О
1. «Динамо» К.	14	29: 4	23
2. «Спартак» М.	14	21:10	20
3. «Пахтакор»	15	17:11	20
4. СКА Р	14	27:24	19
5. ЦСКА	15	28:20	18
6. «Динамо» Тб.	15	17:10	17
7. «Торпедо» М.	14	22:15	17
8. «Қайрат»	15	16:18	16
9. «Нефтяник»	15	20:13	15
10. «Динамо» М.	15	22:18	15
11. «Торпедо» Кт.	16	23:27	15
12. «Зенит»	15	20:25	14
13. «Арарат»	15	14:22	14
14. «Динамо» Мн.	15	14:20	13
15. «Черноморец»	15	13:17	12
16. «Шахтёр»	15	14:21	11
17. «Кр. Советов»	15	11:24	10
18. СКА Од.	14	7:21	6
19. «Локомотив»	14	11:26	5

Навбатдаги турни ҳосилсиз тур деса бўлади. Олти учрашувда бешта тўп киритилганлигининг ўзи ҳужумчиларнинг суст ўйнаганини кўрсатиб турипти.

Кейинги турларда кетма-кет қоқилаётган «Арарат» ўзини ўнглаб келаётган «Нефтяник» билан учрашди. Уз ишқибозлари олдида юзини ёруғ қилиб олишга интилган «Арарат» бунинг уддасидан чиқди. Улар озарбайжонлик спортчилар дарвозасига тўп киритишдн.

Ягона пешқадам киевлик динамочилар Москвада армия футболчилари дарбозасининг калитини топа билмадилар. Шунингдек, ЦСКА футболчилари ҳам меҳмондорчиликни ўз ўрнига қўйишди: улар ҳам қарши томон дарбозасига тўп кирита олмадилар. Ҳисоб 0 : 0.

Бу турда кутилмаган ҳодиса юз берди. «Черноморец» футболчилари грузин динамочилари дарбозасига битта тўп киритиб, 2 очко олдилар. «Шахтёр» — «Динамо» (Москва) ҳамда «Крилья Советов» — «Динамо» (Минск) учрашувларида дарбозалар дахлсиз қолди.

В. МАҲКАМОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 07925. ИНДЕКС 64969. Г. 1155.